



# O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston\_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz



## БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

# РИЁСИЗ СЎЗЛАР

### МУҚАДДИМА


Ҳақиқий ёзувчи-шоирлар ҳақиқатни ёзишни хуш кўради. Дунёнинг қайси бир четдаги адолатсизлик уларга худди ўзининг уйида рўй бераётгандек туюлади. Қайдадир адолатнинг барқарорлиги ёки ғалабаси уларнинг руҳиятини кўтаради. Улар ҳар бир яхши одамнинг муваффақиятидан қувонади, одамларнинг муаммолари эса уларнинг ҳам дардига айланади.

Улар — ватанпарвар. Ҳар ҳолда Ўзбекистонда худди шундай. Ватаннинг гуллаб-яшнаши, ижобий ўзгаришлар ҳар бир фуқаронинг ҳаётини юксалтириш сари қўйилган қадам эканини теран ҳис қиладилар, кайфиятлари кўтарилари. Худого минг шукрки, бу ўзгаришлар ҳар соатда, ҳар куни рўй бериб турибди. Бутун мамлакат ҳаракатда. Энг муҳими, бу ислохотлар жайдари тусда эмас, балки жаҳоннинг энг илғор технологиялари асосида олиб борилмоқда. Шароитлар яратилгани туфайли инвестициялар бемалол кириб келяпти. Ривожланиш шиддати бутун мамлакатни қамраб олган.

Қалам аҳли бу ва кўплаб бошқа ютуқлардан бохабар. Муаммоларни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни ҳам мудом сезиб туради. Яқинда бир гуруҳ ижодкорлар билан кўшни дўст мамлакатда сафарда бўлдим. Бир кеч ўз-ўзидан бадиҳа давра тузилиб, суҳбат гуриллаб кетди. Аввал мезбон мамлакатни Ўзбекистон билан таққос қила бошладик. Бараварига "Биз олдинга кетибмиз" деган хулосага келдик! Бугунги Ўзбекистон ҳақида гаплашдик. Мен етмиш олти йил умр кўрганганимни, аммо халқимиз ҳеч қачон бундай яйраб яшамаганини айтиб қолдим. Даврадагилар бу гапимни ҳам бир оғиздан тасдиқлади. Ҳа, шундай! Ҳеч қачон бундай яшамаганмиз! Юракларни фахр билан тўлдирган бу эътирофлар қачон кўнглимизни

тўлдирди? Ахир биз эътироф этган ютуқлар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ-ку! Унинг ортида кимнинг меҳнатини заҳмати, бетини ҳаракати ётибди? Мамлакатимизнинг барча ҳудудида ёйилган бунёдкорликка ким гайрат-шижоат бағишляпти? Саволларга жавоб битта: бу оламшумул зафарларнинг ортида бир кишининг, ҳа, бир кишининг — Ўзбекистон Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг фидокорлиги турибди. Оз эмас, кўп эмас, Янги Ўзбекистонни қурмоқчи бўлган шу азамат инсоннинг мисли кўрилмаган фидокорлиги! Мен бу инсон ҳақида кўп ўйладим. Охири, бу одам ҳақида ёзмасам, адолатдан бўлмас экан деган қарорга келдим.

Йўқ, хушомад қилиш ниятим йўқ. Нимага хушомад қиламан? Ёшим бир жойга борган бўлса, мукофоту унвонларни ҳам ҳеч кимга ликилламай олган бўлсам...



Бу ислохотлар бошланганда мамлакат қай аҳволда эди? Одамлар қандай яшаётган эди? Ўзимнинг бошимдан ўтказганларимни бир эслай. Мен кўп қаватли уйда яшайман. Уйимиз неча-неча қишлар буйи

исимасди. Бир фарзандим кейинчалик "Шу уйда бир умр совуқ қотиб улғайдик", деб эслади.

Нафақага чиқдим. "Ишласанг, нафақангнинг ярми тўланади", дейишди. Нима дейман? Хўп-да... Кўпга келган тўй.

Маош ҳемири. Ярим пенсияга қўшиб, ойдан ойга аранг етказамиз.

Тўлов пластик картаси билан боғлиқ машмашаларни-ку, айтмай. Дўконга борасан. Керакли молнинг нарҳини сўрайсан. "Нақд олсангиз, саксон сўм, пластик карта билан тўласангиз, юз..."

Деновда — бозорнинг нақ ўртасида "пластик картадаги пулни нақдга алмаштириш пункти" очилди. Уша безбет шаклда — юз сўм ечиб олишса, саксон сўм қўлингга беришади. Энг дахшати, бу "пункт"ни бундай ҳоллар юз бермаслигини назорат этувчи ташкилотларнинг одамлари юритди. Додингни кимга айтишни билмайсан...

Бу лўттибозликлар бутун халқ кўз ўнгида рўй берди. Ҳеч ким миқ этолмади. Кўрқув. Бу кўрқувдан яралган тақдирсизлик — эртани ўйлашдан чўчиш — мудом елкадан тошдай босиб турди.

Қарз кўтардим. Долларда қарз берганларга долларда қайтариб бериш керак. Банк кассаларининг ёнига ҳам боролмайсан. Банклар долларни сотувга чиқариб, ўзи сотиб олиб ётибди. Одамларини қўйиб қўйган — аллақандай шанги хотинлар...

► (Давоми 4-5-бетларда)



## ЎзХДП ФРАКЦИЯСИДА

# МУҲОКАМАДА – ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қизғин иш фаолияти одатда сиёсий партияларнинг фракцияларида бошланади. Бу ҳафта аввалида ҳам фракцияларда бир қатор масалалар муҳокама қилинди.

Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида ҳам мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва давлат хизматлари тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор муҳим қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

► (Давоми 2-бетда)

## НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР КЕЛАЖАККА

Мактабгача таълим даври — бола ҳаётидаги энг муҳим босқичлардан бири. Айнан шу пайтда боланинг дунёқараши, фикрлаш қобилияти, нутқи ва ижтимоий кўникмалари шакллана бошлайди. Тўғри ташкил этилган таълим ва тарбия муҳити эса унинг келажакдаги муваффақияти учун мустаҳкам пойдевор яратади.

Чунки боғча — бу боланинг ҳаётга кириш эшигидир. У ерда олган илк кўникмалари, ҳар бир оддий тажриба унинг келажакдаги катта шахсини шакллантиради. Шунинг учун боғчаларга эътибор — бу нафақат таълимга, балки бутун жамият келажакига эътибор демакдир.

Албатта, бу жараёнлар самарали бўлиши учун боғчанинг шароити жуда муҳим аҳамиятга эга.

Биринчидан, боғчанинг моддий-техника базаси етарли бўлиши шарт. Яъни, гуруҳ хоналари ёруғ, тоза ва қулай бўлиши, ўйин майдончалари хавфсиз ва замонавий жиҳозланган бўлиши керак. Чунки бола ўйин орқали ўрганади, шунинг учун унинг атрофи ҳам унга мос бўлиши лозим.

► (Давоми 7-бетда)

## Касб ўргатиш:

# АМАЛИЙ НАТИЖА ҚАЙ ДАРАЖАДА?

Ёшлар ва ишсиз фуқароларни касбларга ўргатиш — бу шунчаки йқув жараёни эмас. Бу — тақдирни ўзгартириш, умидни уйғотиш ва келажакка ишонч бериш демакдир.

Бугун қўлида ҳеч қандай касби йўқ ёш эртага малакали мутахассисга айланиши мумкин. Бугун ишсиз юрган инсон эртага ўз оиласини таъминлайдиган, ҳатто бошқаларга иш ўрни яратадиган тадбиркор бўлиши мумкин.

Касб — бу нон топиш воситаси, лекин шу билан бирга инсоннинг қадрини оширадиган куч ҳамдир. Ҳар бир ўргатилган хунар — бу бир оилада қувонч, жамиятда барқарорлик дегани.

Агар биз ёшларга фақат диплом эмас, балки ҳақиқий амалий кўника берсак улар ҳеч қачон йўқолиб қолмайди. Улар ўз йўлини топади, ўз ўрнини яратади. Демак, касбга ўргатиш — бу сармоя эмас, бу келажакни қуришдир.

Шундан келиб чиқиб, сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолини касбий ўқитиш, айниқса, ёшлар ва ишсиз фуқароларни касбларга ўргатиш ҳамда уларнинг даромадларини ошириш, иш билан таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Кўплаб касбий ўқитиш марказлари ташкил этилди ҳамда қатор ҳуқуқий дастурлар жорий қилинди.

Хўш, бу борадаги натижалар ҳақида нима дейиш мумкин? Касбга ўқитиш орқали фуқаролар амалий натижа сифатида барқарор бандликка эриша олаётгани ёки йўқ?

Мазкур масалалар Халқ демократик партияси томонидан ўтказилган навбатдаги Мунозара майдони сессиясида очиқ муҳокама этилди.



► (Давоми 6-бетда)

## МУНОЗАРА МАЙДОНИ

## 15 МАЙ – ХАЛҚАРО ОИЛА КУНИ

# ЭРТА ВА ҚАРИНДОШЛАР ОРАСИДАГИ НИКОҲ – ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАҲДИД

"Ўғилларим, набираларим ва амирларимга уйлантириш пайтида келиннинг насл-насабини суриштиришни буюрдим. Токи унинг етти пушти тоза бўлсин. Мен келин танлаш ишини давлат ишлари билан тенг кўрдим". Соҳибқирон Амир Темурнинг бу битиклари оила қуриш ва насли давом эттириш шартлари жамият ҳамда давлат учун қанчалар муҳим эканини англайиб туради.

Оила ҳаётнинг абадийлиги, авлодлар бардавомлигини таъминловчи, муқаддас урф-одатларимизни сақловчи, шу билан бирга, фарзандларнинг келажакда қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир. Орзу-умидларимиз, қувончу шодлигимиз кўргони саналмиш оилани муқаддас деб биламиз. Бахтни, энг аввало, ўзаро тенг ва самимий оилавий муносабатларда, эртанинг меҳр-муҳаббат меваси — фарзандларимиз тимсолида кўрамиз.

Бироқ бугун жамиятнинг бош бўғини — оила институтини мустаҳкамлаш бутун дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам тобора долзарб тус олмақда. Ҳар йили 15 май — Халқаро оила куни сифатида кенг нишонланаётгани ҳам аънавий оилавий кадрларимизни сақлаб қолишда, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилашда муҳим ўрин тутмоқда.

► (Давоми 3-бетда)

## ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жумладан, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий мақоми ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш, давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий малакасини ошириш кафолатларини белгилаш, миллий қонунчиликни ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига оид халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

## ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида "Ҳарбий хизматчилар мақоми ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари, имтиёзлари, кафолатлари ҳамда уларнинг мажбуриятлари билан боғлиқ муносабатларни комплекс тартибга солишга қаратилган.

Хусусан, қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар ҳарбий хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, шунингдек, улар ва оила аъзоларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг аниқ механизмлари белгилаб берилмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасида ҳарбий хизматчиларни моддий таъминлаш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, уй-жой билан таъминлаш, мажбурий давлат сугуртаси, пенсия таъминоти, хизмат вазифасини бажариш чоғида жароҳат олган ёки ҳалок бўлган тақдирда компенсация тўловларини амалга ошириш каби муҳим кафолатлар қонун даражасида мустаҳкамланаётганини алоҳида эътироф этишди.

Муҳокамалар жараёнида депутатлар томонидан бир қатор савол ва таклифлар



билдирилди. Жумладан, фракция аъзоси Фирдавс Шарипов қонуннинг қўлланиш доираси юзасидан савол кўтариб, нима сабабдан муқобил хизматни ўтаётган шахсларга ушбу қонун татбиқ этилмаётганига оид савол киритишни сўради.

Қонун ташаббускорларининг маълум қилишича, муқобил хизмат алоҳида ҳуқуқий тартибга эга бўлиб, у амалдаги қонунчиликда мустақил равишда тартибга солинган. Шу боис мазкур тоифа ушбу қонун лойиҳаси доирасига киритилмаган.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан маъқулланди.

Депутатлар "Сафарбарлик тайёргарлиги ва сафарбарлик тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилишди.

Мазкур ҳужжатда сафарбарлик тайёргарлиги ва сафарбарликнинг асосий мақсадлари, принциплари ва устувор йўналишлари белгилашмоқда. Шунингдек, давлат органлари, ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифалари ва мажбуриятлари аниқ назарда тутилди.

Фракция аъзоси Жамол Ачилов қонун лойиҳасининг аҳамияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ушбу ҳужжат сафарбарлик соҳасидаги муносабатларни ягона ва мукамал ҳуқуқий асосда тартибга солишга хизмат қилишини таъкидлади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

## ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ХОРИЖИЙ ТАЪЛИМДА ТАҲСИЛ ОЛИШ КАФОЛАТЛАРИ

Шунингдек, "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий малакасини ошириш кафолатларини белгилашга қаратилган қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокамалар марказида бўлиб, унда давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий фаолияти билан бирга касбий

# МУҲОКАМАДА – ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ



таълим олиш имкониятларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, хорижий олийгоҳларда таҳсил олиш муддатининг меҳнат стажига қўшиб ҳисобланиши каби қатор масалалар ҳақида сўз борди.

Депутат Ф. Шарипов мазкур қонун лойиҳасида халқаро нуфузли олий таълим муассасаларининг турлари ва категориялари бўйича аниқ рўйхатлар белгиланмаётганлигига эътибор қаратди ҳамда чет эл олийгоҳларининг номи, тури ва категориясини белгилаш зарурлиги таъкидланди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонуни давлат хизматчиларининг касбий ва интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган муҳим янгиллик билан тўлдирилмоқда. Жумладан, қонунга "Давлат фуқаролик хизматчисининг халқаро эътироф этилган нуфузли таълим муассасаларида таҳсил олиши учун қўшимча кафолатлар" номли 421-моддаси

## НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ДАРАЖАСИДА ТАЪМИНЛанади

Фракция йиғилишида шунингдек, миллий қонунчиликни ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига оид халқаро шартномаларга мувофиқлаштириш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокамадан ўтказилди.

Мазкур қонун лойиҳаси ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш, жамиятда эҳтиёжманд қатламларнинг манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш



ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ОРҚАЛИ НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРГА ДОИР МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР ТАЛАБЛАРИ БИЛАН УЙҒУНЛАШТИРИШ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ДАРАЖАСИДА ТАЪМИНЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

ҳамда давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар самардорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Лойиҳанинг асосий йўналишларидан бири — ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ҳамда муносиб турмуш шароитларини яратишдан иборатдир. Шу билан бирга, ижтимоий хизматларни кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рағбатлантириш ва улар учун қулай ҳуқуқий муҳит яратиш ҳам кўзда тутилган.

Қонун лойиҳаси орқали ногиронлиги бўлган шахсларга доир миллий қонунчиликни халқаро шартномалар талаблари билан уйғунлаштириш, уларнинг ҳуқуқларини халқаро стандартлар даражасида таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, амалдаги "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ва Камбағал оилалар реестри негизида янги Ижтимоий реестр жорий этилиши назарда тутилмоқда. Бу эса ижтимоий ёрдам, хизмат ва имтиёزلарни манзилли ва адолатли тақсимлаш имконини беради. Яъни, барча ижтимоий кўмак чоралари фақат ушбу реестрга киритилган оилаларга нисбатан татбиқ этилиб, тизимда шаффофлик ва самардорликни таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур қонун билан 9 та кодекс ва 17 та қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларга доир қуйидаги қонун ҳужжатлари халқаро шартномалар талабларига мувофиқлаштирилмоқда. Шахсни ногиронлик белгиси бўйича камситиш фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш сифатида баҳолашиб, жиний жавобгарлик жорий этилмоқда.

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ва Камбағал оилалар реестри негизида Ижтимоий реестр жорий этилганлиги муносабати билан барча ижтимоий хизмат, ёрдам, имтиёз ва бошқа кафолатлар фақат ушбу реестрга киритилган оилаларга татбиқ этилиши белгилашмоқда.

**Анвархон ТЕМИРОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик**  
**палатасидаги Ўзбекистон ХДП**  
**фракцияси аъзоси:**

– Бугунги кунда жамият тараққиётининг энг муҳим мезонларидан бири — инсон қадрини улуғлаш, ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароитини яратиш ва ижтимоий адолатни таъминлаш ҳисобланади. Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш, ногиронлиги бўлган шахсларга кенг имкониятлар яратиш ҳамда уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Шу билан бирга, ижтимоий хизматлар соҳасини ривожлантириш, бу жараёнга хусусий секторни кенг жалб этиш ва манзилли ёрдам тизимини самарали ташкил этиш ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки эҳтиёжманд оилаларга кўрсатилаётган ҳар қандай ёрдам адолатли, шаффоф ва аниқ манзилга йўналтирилган бўлиши керак.

Ана шу мақсадлардан келиб чиқиб, қонун лойиҳасида ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини халқаро стандартлар асосида таъминлаш, шунингдек, ижтимоий хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Масалан, Солиқ кодексига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Хусусан, иш берувчилар томонидан ногирон ходимларга бегараз мақсадларда бепул озик-овқат, гигиена маҳсулотлари ва кийим-кечаклар тақдим этишга йўналтирилган харажатларни фойда солиғи базасини аниқлашда чегири ташланадиган харажатлар таркибига киритиш назарда тутилмоқда. Бу эса иш берувчиларни ижтимоий масъулиятни янада кенгроқ қабул қилишга рағбатлантиради.

Шунингдек, ота-оналарнинг фарзандлари учун нодавлат боғча ва



мактаб таълимига тўловлари бўйича амал қилаётган даромад солиғи имтиёзлари ўзгалар парваршига муҳтож вояга етган шахсларнинг оила аъзолари учун тўланадиган таълим тўловларига нисбатан ҳам татбиқ этилиши белгилашмоқда. Бу эса ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг оилаларига қўшимча энгиллик яратади.

Бундан ташқари, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган юридик шахслар учун ижтимоий солиқ ставкасини 1 фоиз миқдоридан белгилаш, яқка тартибдаги тадбиркорлар учун эса ушбу тоифадаги ходимлар бўйича ижтимоий солиқни умуман ҳисобламаслик каби энгилликлар жорий этилмоқда. Бу чоралар ногиронлиги бўлган шахсларни барқарор иш билан таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, меҳнат жамоасининг камида 25 фоизи (бирок камида 4 нафар) ногиронлиги бўлган шахслардан иборат бўлган ва уларга қонунчиликда белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган маош тўлайдиган юридик шахсларга мол-мулк солиғидан озод этиш ҳамда ер солиғининг 90 фоизини ушбу ходимлар иш ҳақидаги муносабати равишда камайитиш имкониятини бериш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, депутат ижтимоий ҳимоя тушунчасига оид айрим ҳуқуқий нормалар, хусусан, "кам таъминланган" тушунчасининг "ижтимоий реестр" тушунчасига аниқлаштирилиши, муҳтожларнинг турар жойини таъмирлаш мақсадида маблағлар ва уй-жой билан таъминлаш ҳақидаги нормаларни такомиллаштириш муҳимлигига эътибор қаратди.

Депутатлар муҳокамалар жараёнида қонунлар лойиҳаларининг партия Сайловолди дастурий мақсадларига ҳамоҳанглигига эътибор қаратиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини давлат реестрларига киритиш тартибларини янада соддалаштириш лозимлигини таъкидлашди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаларининг ижтимоий-иқтисодий муҳимлиги, айниқса, партия электорати ҳуқуқ ва манфаатларига мос келишини таъкидлаб, бир овоздан маъқуллашди.

Қун тартибдаги масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Лазиза ШЕРОВА,**  
**"Ўзбекистон овози" муҳбири.**

## 15 МАЙ – ХАЛҚАРО ОИЛА КУНИ

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)



**Малика ҚОДИРХОНОВА,**  
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

Маълумки, Оила кодексининг 15-моддасида никоҳ ёши ўн саккиз ёш эканлиги, узрли сабаблар бўлганда, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра, туман (шаҳар) ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкинлиги кўрсатилган.

Статистик маълумотлар эса мамлакатимизда эрта никоҳ ҳолатлари йил сайин кўпайиб бораётганини кўрсатмоқда. Хусусан, 2021 йилда бу кўрсаткич 147 тани ташкил этган бўлса, 2024 йилда 745 тага етган. Таҳлиллар бундай ҳолатларга асосан маҳаллий қарашлар, қолаверса, ҳомиладорлик ва никоҳдан олдинги муносабатлар сабаб бўлаётганини кўрсатмоқда. Аксар ҳолларда никоҳланувчиларнинг ҳар иккаласи ҳам вояга етмаган шахслар экани муаммонинг қанчалик чуқурлигидан далolat беради.

Бундай статистика жиддий хавотир уйғотади, чунки эрта, 18-20 ёшгача никоҳлар давлатнинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган “қашшоқлик тузоғи”ни ҳосил қилса, қариндошлар томонидан оила куриш ижтимоий-маиший муносабатларнинг бузилиши, биологик ўзгариш ва тиббиётга сарфланадиган катта харажатларга олиб келади.

Шуниси эътиборлики, ёш келинлар орасида олий таълимни охирига ҳам етказмай, ўқишни ярмидан ташлаб кетадиганлар бор. Оқибатда жамиятда малакасиз ишчи кўпаяверади. Қолаверса, ҳаддан ташқари ёш турмуш курган жуфтликлар кўпинча нафақа ёки ота-оналар ёрдамига боғлиқ бўлади. Бу мамлакат бюджетига ижтимоий юкни оширади.

Таҳлиллар эрта никоҳ таълимнинг узилишига, ижтимоий ҳимоясизликка, ёшларнинг саломатлигига хавф ва иқтисодий қарамликка олиб келишини кўрсатаяпти.

Ажралиш хавфи ҳам юқори: етук бўлмаган иттифоқлар кўпроқ бузилади, ҳали маънавий жиҳатдан камол топмаган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрмаган ёшларнинг турмуш паст-баландликларидан сарсон-саргардон қолишига, бу эса нотўқис оилалар сонининг кўпайишига сабаб бўлади. Бундай оилалардаги болалар

# ЭРТА ВА ҚАРИНДОШЛАР ОРАСИДАГИ НИКОҲ – ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАҲДИД

статистик жиҳатдан кўпинча психологик ва молиявий қийинчиликларга дуч келишади.

Демографик хавфлар тўғрисида ҳам айтиб ўтиш жоиз: эрта туғруқ она саломатлигига таҳдид солади. Ёш аёллар ўртасида ўлим ёки ногиронликнинг юқорилиги миллатнинг репродуктив ва меҳнат салоҳиятининг йўқолиши демакдир. Аёллар учун фарзанд кўришнинг энг қулай даври 20-30 ёш оралиғи ҳисобланади. Агар ҳомиладор аёл 20 ёшдан кичик бўлса, унда 30 фоизгача ҳомиланинг яхши ривожланмаслиги, қақалоқ вазни кичик бўлиши, ёш оналарнинг ўлими ҳолати ошиши кузатилади. Ёш организмга катта юклама – оналик мажбуриятлари, унинг жисмонан ва руҳан таъбир эмаслиги натижасида психологик бузилиш ва бошқалар келиб чиқади.

Қариндошлар ўртасидаги никоҳ амал қиладиган ёпиқ жамоаларда авлодан-авлода зарарли мутациялар тўпчилиги боради. Бу эса аҳоли ашовчанлигининг умумий пасайишига олиб келади. Хусусан, 2024 йилда нуқсон ва ирсий касалликлар билан туғилган 2 301 нафар қақалоқдан 175 нафари (7,6 фоизи) яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳдан туғилган. Ушбу кўрсаткич 2021 йилда 8,3 фоизни, 2022 йилда 9,1 фоизни, 2023 йилда 9,7 фоизни ташкил этган. 2024 йилда жами ирсий-генетик касалликлар билан 4 480 нафар бола назоратда турган.

Соғлиқни сақлаш тизимига тушадиган юк ҳақида алоҳида айтиб ўтиш лозим: оғир генетик касалликларга чалинган болаларнинг туғилиши умр бўйи қимматбаҳо даволаниш ва парваришни талаб қилади. Бу, бир томондан, давлат бюджети ва ижтимоий ҳимоя тизими учун улкан харажат бўлса, иккинчи томондан уларнинг ота-оналари (айниқса, оналар) учун катта ва қутилмаган руҳий зарба ҳисобланади. Хусусан, ҳозирда спинал-мушак атрофияси ирсий касаллиги билан рўйхатда турган жами болалар учун бюджетдан 250 млрд сўм сарфланади. Бунга бошқа турдаги генетик хасталикларни даволаш харажатларини ҳам қўшсак, инсонни чуқур ўйга толдирадиган кўрсаткичларга тўқнаш келамиз.

Буюқ табиб Абу Али ибн Сино ҳам насл тозаласига масаласига алоҳида тўхталиб, ота-онадаги иллат ва хасталиклар фарзандага мерос бўлиб ўтишини таъкидлаган. Шу боис, у никоҳланувчи томонларни бир-бирининг соғлиғи ва наслидаги касалликлардан аввалдан хабардор бўлишга чақиради. Ибн Синонинг фикрича, наслнинг бақувват бўлиши учун қон янгилашни шарт, бунга эса фақат бегона “қон”лар билан никоҳланиш орқали эришилади. Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ эса ирсий заифликларни бир нуқтада бирлаштириб, болани туғма хасталикларга маҳқум этиши аниқ.

Алоҳида эътибор талаб қиладиган яна бир жиҳат бор. Ўрганишлар қариндошлар ўртасидаги никоҳлар улуши юқори бўлган ҳудудларда болаларнинг ақлий ривожланишдан орқада қолиш ҳолатлари кўпроқ қайд этилишини кўрсатмоқда. Бу – авлоднинг интеллектуал салоҳиятининг пасайиши демакдир. Ушбу омилнинг жамият ривожини учун қанчалик хатарли эканини эса ортиқча изоҳлашга ҳолат йўқ.

“Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти томонидан Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида ўтказилган ижтимоий сўровнома бу борадаги вазиятни ва жамиятдаги қарашларни очиб берди.

Ушбу, нима учун қариндош билан қанда бўлиши? Тадқиқот натижаларига кўра, бундай никоҳларга бир неча омиллар сабаб бўлмоқда. Биринчиси, ишонч ва ослашув: респондентларнинг 58,2 фоизи таниш ва ишончли оила билан қанда бўлишни маъқул кўради. Иқтисодий манфаат: оиланинг мол-мулкни бегонага қолдирилмаслиги истаги (19,7%), тўй харажатларини тежаш (10%) респондентлар томонидан муҳим омил сифатида кўрсатилган. Яна бир жиҳат – урф-одатларни сақлаш (29,4%) ва қариндошлик ришталарини мустаҳкамлаш (23,2%) сўровдан ўтказилганлар томонидан ваз қилиб кўрсатилган. Энг ачинарлиси, бундай никоҳларнинг асосий ташаббускорлари ота-оналар (62,9%) ва бобо-бувилар (37,8%) бўлиб чиқди. Кўп ҳолларда қизлар яқин қариндошларга узатилишига мажбурланади.

Ачинарлиси, сўровда қатнашган, қариндошлар ўртасида тузилган оилаларнинг 30,1 фоизда фарзандлар ирсий касалликлар билан дунёга келган. Респондентларнинг 46,7 фоизи яқин қариндошлар никоҳида ногирон фарзанд туғилишини энг катта муаммо деб ҳисоблайди. Оилавий низолар: бундай оилаларнинг 18,3 фоизда тез-тез тортишувлар содир бўлади, ажрашганларнинг 67 фоизи қариндош билан турмуш курганидан афсусланади.

Тадқиқот жамиятга ҳуқуқий билимлар етишмаслигини ҳам кўрсатди. Респондентларнинг қарийб ярми (48,7%) яқин қариндошлар никоҳи қонунчилиқда тақиқланганидан хабари йўқ. Қизиғи, маълумот даражаси юқори бўлган шахслар (69,6%) бундай никоҳларга фаол қарши чиқса-да, ўрта маълумотлилар орасида анъанавий қарашлар ҳамон кучли.

Ечим тариқасида сўровдан ўтказилганларнинг 46,9 фоизи ота-оналар ва ёшларга қариндошлар никоҳининг салбий оқибатларини тушунтириш ва генетик текширувларни кенг жорий этишни таклиф қилган.

Албатта, бу каби муаммоларни ҳал қилиш учун қонунчилик доирасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан,

никоҳ ёшига етмаган, умумий ўрта таълим муассасаларида ўқиётган ўғил-қизларни унаштириш, эрта оила куриш ва диний расм-русумларга биноан никоҳ тузиш маросимини ўтказиш ҳолатлари каби ҳуқуқбузарликни содир этганлиги учун 2021 йилда 147 нафар, 2022 йилда 296 нафар, 2023 йилда 549 нафар, 2024 йилда 1245 нафар, жорий йилнинг ўтган даврида 1107 нафар шахс МЖТКнинг тегишли моддаси бўйича маъмурий жавобгарликка тортилган.

Агар бу масалалардаги халқро тажрибага мурожаат этадиган бўлсак, АҚШ, Швейцария, Туркия, Буюк Британия, Жанубий Корея, Янги Зеландия, Хитойда ён шажара (тоға-жиан, хола-жиан, амакивачча-холавачча) бўйича қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш тақиқланган.

Эрта никоҳлар ва қариндошлар ўртасида оила куриш билан боғлиқ қатор муаммоларга Президентимизнинг жорий йил 3 мартда қабул қилинган “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан таъйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги Фармони орқали амалий ечим таклиф этилмоқда. Хусусан, никоҳга кириш ёшини ҳокимлар томонидан 1 ёшга қисқартириш учун асос бўладиган узрли сабаблар рўйхати белгиланмагани жойларда бу норманинг нотўғри талқин этилишига сабаб бўлмоқда. Оқибатда кекса бобо-бувиларнинг тўйни кўриш истаги, никоҳланувчиларнинг хорижга ишга кетиши зарурати каби турлича, кўпинча у қадар муҳим бўлмаган сабаблар туфайли ҳали турмуш куришга тайёр бўлмаган ёшларнинг “боши иккита” қилинмоқда.

Бундан ташқари, ушбу муаммонинг ечими сифатида никоҳга кириш ёшини қисқартириш учун асос бўладиган ҳолатлар рўйхатини аниқ ва лўнда, яъни ҳомиладорлик, бола туғилиши этиб белгилаш таклиф этилмоқда. Шунингдек, 16 ёшга тўлган шахсининг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши (эмансипация) унга 18 ёшга тўлмасдан туриб никоҳга киришига ҳуқуқ бериши борадиган нормани бекор қилиш мақсадга мувофиқ.

Қолаверса, Оила кодексига ён шажара бўйича қариндошлар (тоғавачча, амакивачча, амавачча ва холаваччалар ўзаро; тоға ва амаки, амама ва хола ўз хиянлари билан) ўртасида никоҳларни тақиқлаш масаласини ҳам кўриб чиқиш лозим.

Бундай ечимлар ижтимоий барқарорликка таҳдид бўлган эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг тобора камайишига, пировардида миллат генофондини асрашга замин яратади.

## СЎРОВ, ЖАВОБ, НАТИЖА



**Бугунги кунда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан жойлардаги муаммоларни ўрганиш, фуқаролар мурожаатларини эшитиш ва уларни ижобий ҳал этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.**

Айниқса, йўл, ичимлик суви, сўғориш тармоқлари, электр таъминоти, ижтимоий соҳа ва инфратузилма билан боғлиқ масалалар юзасидан юборилаётган депутатлик сўровлари ҳудудлардаги кўпжа муаммоларнинг ҳал этилишига хизмат қилмоқда. Бу эса аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, фуқароларнинг давлат ва жамиятга бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Депутатлик сўровлари орқали мутасадди ташкилотлар фаолияти устидан жамоатчилик назорати кучайиб, ҳудудлардаги камчилик ва муаммоларга тезкор муносабат билдирилмоқда. Энг муҳими, ҳар бир мурожаат ортида инсон манфаати, халқ дарди ва ҳудуд раванқи тургани депутатларни янада фаол ва масъулиятли иш олиб боришга ундамоқда.

Яқинда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати М. Низомиддинов томонидан аҳоли мурожаатлари асосида олиб борилган амалий ишлар натижасида Паркент тумани Номданак қишлоғидаги “Обод” ва “Чинорли” маҳаллалари аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаб келаётган муҳим сув иншоотининг техник ҳолати яхшиланди. Фуқароларнинг кундалик

ҳаёти ва турмуш фаровонлигида муҳим аҳамиятга эга бўлган мазкур масала депутат томонидан алоҳида назоратга олинди, мутасадди ташкилотларга депутат сўрови юборилди. Ушбу мурожаат ижросини таъминлаш мақсадида “Тошкент вилояти сув таъминоти” АЖ Паркент тумани филиали мутахассислари томонидан сув иншоотида кенг кўламли таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилди.

Жумладан, сув иншоотидаги мавжуд сув йиғиш резервуари — металл сизим тўлиқ жорий таъмирдан чиқарилди. Шу билан бирга, насос биноси замонавий талаблар асосида тўлиқ таъмирланиб, атроф ҳудудда бетонлаш ишлари бажарилди. Иншоотда аниқланган техник носозлик ва камчиликлар бартараф этилиб, унинг ишончли ва барқарор фаолият юритиши учун зарур шароит яратилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида “Обод” ва “Чинорли” маҳаллаларида истиқомат қилувчи аҳоли учун ичимлик суви таъминоти сезиларли даражада яхшиланди. Эндликда фуқаролар барқарор, сифатли ва узлуксиз тоза ичимлик суви билан таъминлаш имкониятига эга бўлмоқда.

# САЙЛОВЧИ ИШОНЧИ

## АМАЛИЙ ИШЛАР БИЛАН МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Энг муҳими, мазкур амалий ишлар аҳоли мурожаатлари эътибордан четда қолмаётгани, халқ ва депутат ўртасидаги очик мулоқот ўз самарасини бераётганининг яна бир амалий ифодаси бўлди. Бу каби эзгу ишлар ҳудуд аҳолисининг турмуш сифати ва ҳаёт фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

\*\*\*

Халқ депутатлари Уйчи тумани Кенгаши депутати Н. Дедаханова томонидан сайловчилар мурожаати асосида кўтарилган муҳим масала ижобий ҳал этилди.

Хусусан, “Муборак” маҳалласи аҳолиси ҳамда 10-сонли умумтаълим мактаби жамоаси ҳудуддаги ички йўлнинг таъмирталаб аҳволга келиб қолгани, бу эса аҳоли ва ўқувчилар учун қатор ноқулайликлар туғдираётгани юзасидан амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган эди.

Мазкур мурожаат депутат томонидан атрофича ўрганилиб, муаммони ижобий ҳал этиш мақсадида тегишли ташкилот ва мутасадди идораларга депутатлик сўровлари юборилди. Шунингдек, соҳа вакиллари билан қатор учрашув ва музокаралар ўтказилиб, йўлни таъмирлаш учун зарур маблағ ажратилишига эришилди.

Натижада ҳудудда таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, йўлнинг техник ҳолати яхшиланди. Бу эса маҳалла аҳолиси, айнқса, мактаб ўқувчилари ва ота-оналар учун қулай ва хавфсиз ҳаракатланиш имкониятини яратди.

Амалга оширилган ишлар

аҳоли мурожаатлари доимий эътибор марказида экани, халқ манфаатларини таъминлаш йўлида депутатлар томонидан тизимли ва амалий ишлар олиб борилаётганининг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Бу каби хайрли ташаббуслар ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш, фуқароларнинг турмуш шароитини янада оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

\*\*\*

Халқ депутатлари Гурлан тумани Кенгаши депутати Ш. Худаяров томонидан Гурлан шаҳарчасидаги 4 та бир-бирига туташ маҳаллалар аҳолиси билан ўтказилган учрашувлар ва мурожаатларни ўрганиш жараёнида “Хизир эли” каналида қатор муаммолар мавжудлиги аниқланган эди. Хусусан, каналнинг айрим қисмлари вақт ўтиши билан қўмилиб қолгани сабабли баҳор-ёз мавсумида сув оқими сусайиб, ҳудуддаги экин майдонлари ва томорқаларни сўғоришда қийинчиликлар юзага келаётгани аҳоли томонидан билдирилган.

Мазкур ҳолатни бартараф этиш мақсадида депутат туман “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасасига депутат сўрови юборди.

Бугунги кунда канал бўйлаб қазилган ва тозалаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Мутахассислар томонидан канал ўзанида йиғилиб қолган лой ва чиқиндилар тозаланиб, сувнинг эркин оқими учун зарур шароит яратилмоқда.

Амалга оширилаётган ишлар яқунланганча, “Хизир эли”

каналнинг сув ўтказувчанлиги сезиларли даражада яхшиланади. Бу эса ҳудуддаги сўғориш тизими самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги ерларини ўз вақтида сув билан таъминлаш ҳамда аҳоли томорқалари унумдорлигини янада яхшилашга хизмат қилади.

Энг муҳими, мазкур амалий ишлар фуқаролар мурожаатлари асосида ҳудудлардаги долзарб муаммолар босқичма-босқич ҳал этилаётгани, халқ ва депутат ўртасидаги самарали мулоқот эса ижобий натижалар бераётганининг яна бир ёрқин намунаси дур.

\*\*\*

Кўп ҳолатларда одамлар ўзи яшайдиган ҳудуддаги муаммоларни депутатга ишониб айтади. Депутатлик сўрови эса шу ишончининг амалий натижасига айланади.

Бугун маҳаллаларда таъмирланаётган йўллар, яхшиланаётган ичимлик суви таъминоти, тозаланаётган каналлар ёки барпо этилаётган қулайликлар — буларнинг барчаси аҳоли мурожаатларига бефарқ бўлмаслик, депутат ва сайловчи ўртасидаги очик мулоқот самарасидир.


Энг муҳими, одамлар “мурожаатимиз эшитилди”, “муаммомизга ечим топилди” деган кайфиятни ҳис қила бошламоқда. Бу эса жамиятда ишончни мустаҳкамлаб, халқ билан давлат ўртасидаги мулоқотни янада яқинлаштиради.

Ўз мухбиримиз.

## Буюк ўзбек йўли



▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

Усмон АЗИМ,  
Ўзбекистон халқ шоири

Бозорга борасан. Ҳар қадамда “долларчи”лар шайқаси... Долларнинг нархи расмий курсдан икки баробар баланд. Кўр бўлиб олсан.

Сурхондарёда ғалла етиштирган бир тадбиркор менга учрашиб, ғалласини топширганини, аммо ҳақини еб кетишганини айтди. Мен бир-икки амалдорга айтган бўлдим. Бирор натижа чиқмади. Тадбиркор шу хўрликнинг жабридан ўлиб кетди...

У-бу жойлардаги ўзгаришлар одамларнинг дастурхонига етиб келмади. Мамлакатни фарибгарлар босди.

Бу ишга қарши курашиши зарур бўлган ташкилотлар давлат ичиде давлат туздилар. Одамлар устидан зўравонлик жорий этилди.

Масалан, Сурхондарёда хавфсизлик хизмати аллақандай фашистик (бошқа сўз уларнинг қилмишини ифодалаб беролмайди) тизим ўрнатди. Одамларни пашша ўрнида кўрмадилар. Хўрладилар, мулкларини тортиб олдилар, мисли кўрилмаган қийноқларга солдилар, ўлдириб ҳам юбордилар. Қийноқларнинг Сталин замонида кечган усулларини қўлладилар. Уларни янада янги “поғона”ларга кўтардилар.

— Тирноқларини сугуриб олдилар, — деб зориллаб эслайди уларнинг қўлига тушган бир бегуноҳ. — Ҳаммасини баравар сугурсалар ҳам майли эди, ҳар куни биттасини сугурадилар...

Ҳатто ҳоқимларга ҳам таъйиқ ўтказилди. Бу юртда улар ҳам ишлашдан безиб қолди. Ноилж ишдан кетиш ҳақида ариза ёздилар.

Мустақилликдан одамларнинг кўнгли қолди.

Битта-ярим танишлар менга ҳам таъна қила бошлади: “Ана сиз орзу қилган истиклол...”.

Рости, мен ҳам бебахт яшадим. Газета-журналларда ёзганларимни нашр этиш нари турсин, исм-фамилиямни ҳам ўчириб ташлайдиган бўлишди. Мен нима қилган эдим? Бир кўрсатувда “Бировлар ҳаром-хариш йўл билсан пул тўплайпти. Пайти келгач, пулини кўтариб, хорижга жўнаб кетади” деган рост гапни айтган эдим, ҳолос. Бу кўрсатув туфайли телевидениедаги неча-неча ижодкорлар жазоланди, ишдан кетди...

Тан олайлик, мустақилликнинг илк даврида янги тизимли мамлакатни бунёд этиш, ночорликдан қутулиш учун бир қадар қаттиққўллик ҳам зарур эди. Аммо мамлакат ривожланиб боргани сари бу қаттиққўллик ўрнини адолат ўлчамларига мос йўриқлар аста-аста эгаллаб бориши кераклиги ҳам барчага аён эди. Бироқ бундай бўлмади. Чунки энг тепадаги одам ҳам найрангбозларнинг қўлида асирдай яшайди. Жойларда рўй бераётган, ҳатто ўз оиласида рўй бераётган воқеалардан ҳам ғафлатда қолди. Барча адолатсизликлар сир тутилди.

Юқорида ёзганларимни ҳеч ким рад этолмайди. Уларни бор бўйича кўрсатиш учун эса неча жилдлаб китоблар ёзилса бўлади. Мен фақат бошимдан ўтказганларимнинг ва туғилган юртим Сурхондарёда рўй берган машъум воқеаларнинг бир қисминигина эслаяпман.

Авж олган муаммоларни бартараф этиш йўллари ҳеч ким билмасди.

Бирок Парвардигор билгувчидир! У мамлакатни ривожланиш сари йўналтириш учун нима қилиш кераклигини аниқ билди.

Мамлакат Президентлигига Шавкат Миромонович Мирзиёев сайланди ва... бирдан мўъжизаларга ўхшаш ҳодисалар рўй бера бошлади.

Айтиб ўтганим — кўргиликлар битта-

битта ечимини топиб кетаверди. Тўлов пластик карталари рисоладагидай ишлаб бошлади. Пенсиялар тўлиқ бериладиган бўлди. Банклар янги ишлаш тизимига ўтди: хоҳласаларинг, мана сўм, истасаларинг доллар, марҳамат... Сурхондарёдаги одам қиёфасидаги ҳайвонлар ҳам жазосини олди. Аммо бу ечимларни топиш учун қанчалар сабот ва жасорат керак бўлгани фақат ва фақат Шавкат Миромоновичнинг бир ўзига аён. Ахир қаламга олганим ҳодисалардан ташқари, унинг зиммасида яна қанча-қанча ташишлар бор эди.

Биргина Сурхон халқини зор қақшатган мустақилликнинг зараркуналари шайқасини тугатиш нақадар қийин бўлганини тасаввур қиламан. Ахир улар осмондан тушмаган — бу гумроҳларни Тошкентдаги мартабаси баланд, бели бакуват, бировни назар-писанд қилмайдиган ҳомийлари қўллаб-қувватлаб турарди. Бу жиноятчилар тўдасининг қўлаи жуда катта — бир-бири билан зич боғланиб кетган, халқнинг манфаати деган муқаддас тушунчани тушида ҳам кўрмаган, одамлар ҳаётини ҳасдан ҳам арзон билган бедаволардан иборат эди. Аввал мана шу тўданинг боши кесилди. Бу иш осон бўлмади. Бўшангрок бир одам бўлганда улар билан муроаса мадора этиб кетаверарди. Аммо Шавкат Миромонович бундай қилишни ўзига эп билмади. Чунки ўртада Ватан, халқ тақдирини бор эди. Бўлажак Ватанин бундай тўдаларга панжа орасидан қараб эмас, балки бу тоифа ноқислардан тозаллаб, покиза ниёт ва эзгу ҳаракатлар билан яратиб лозимлигини Шавкат Миромонович мудом ҳис этиб турарди.

Ватанин ҳалол одамлар яратишини бу инсон жуда теран тушунади.

Қотиллик иллати оққан бу каслардан эл-юрт озод қилинди. Аввал “тепа”даги, кейин пастдаги қатлам илдизи билан сугуриб ташланди. Бу гаплар айтишга осон...

Мамлакатимиз тарихида ушбу воқеалар кимгадир жуда кичик эпизод бўлиб туюлар, аммо Ватанин халқнинг бошига чиқиб олган бундай жирканч тўдалардан озод этиш учун раҳбаримизга қанчалар матонат ва қатъият керак бўлганини бир тасаввур қилиб кўринг!

Эсимда: бу воқеалар ниҳоясига етказилгач, Президентимиз Сурхонга ташриф буориб, “Сурхондарё халқи, энди озодсан!” деб элга мурожаат этган эди.

Ҳақиқатан, Сурхондарё эркин нафас олди.

Мен фақат яхши билганим — Сурхондарё ҳақида ёзаяпман. Ўзбекистонда эса ўн тўртта маъмурий-ҳудудий бирлик бор. Президентимизнинг улардаги муаммоларни ҳал этишдаги мардондор саъй-ҳаракатини қаламга олиш учун эса бу мақола кичиклик қилишини сезиб турибман.

- 2 -

Одамлар яхшиликка тез кўникади. Бир-икки “Яхши бўлди-е!” деб қувонади-ю, кейин худди ҳамиша шундай бўлгандай ўтиб кетаверди. Назаримда, шундай бўлгани ҳам дурут! Одамлар одамга ўхшаб яшашни ўрганапти! Муносиб яшаш мўъжиза эмас, шунчаки ҳар куни биз юзма-юз дуч келадиган воқелик эканига кўникади боряпмиз-да!..

Аммо мен ривожланиш жараёни шу қадар жадал бораётганидан барибир қувонаман.

Авлиёлар, олимлар маскани бўлган Термиз эсимни билганимдан буён кўримсиз, чанг-тўзонга қоришган, соя-салқиндан йироқ — ёпиқ ҳарбий шаҳарча эди. Унга киришнинг ўзи ҳам бир машаққат — ҳарбийларнинг пости ўрнатилган, ҳар бир йўловчининг паспорти синчиклаб текширилар, агар Сурхондарё ҳисобида бўлмасангиз, ўтиб кўринг-чи!

Мустақилликдан кейин эса, хабарингиз бор, бундай текширувлар янада авж олди. Энди ҳар бир вилоят ўртасида сунъий тўсиқлар — постлар ўрнатилди. Бу ҳолат халқимизнинг мамлакатимиз бўйлаб эркин ҳаракатланишига ҳалал берадиган ортиқча машама эди. Паспортни унутган бўлсангиз, бу постлардан ўтишнинг ягона йўли — имконини топиб, “посбон”ларга пора бериш эди... Бошқа иложингиз йўқ. Назаримда, бу постлар худди шундай вазият яратиш учун қўйилган тўзоқ эди...

Сурхондарёда эса бу ҳолат йўловчини жиддий таҳликага соладиган даражада мураккаб эди. Вилоятга киришда — Дарбанд постида худди хорижга кетаётганингиз каби бор-йўгингиз тинтилар, юкларингиз эса лентага солиниб, лазерли ускуналар ёрдамида кўздан кечирилари. Бу ҳам етмагандек, жомадону сумкалар ҳам очдирилиб, текширилари... Тинтув. Хуллас, пора бермасангиз, қутулиб бўлмас. Термизга ва Сароисиёга кириверишда яна шу ҳолга дуч келинар эди.

Бу тўсиқларнинг ҳаммаси Шавкат Миромоновичнинг бир шашти билан йўқ бўлди.

Чангу ғуборга қоришган Термиз ҳам бирдан ўзгара бошлади.

Ҳозир бу шаҳар кўчаларининг икки четиде манзарали дарахтлар соя ташлаб турибди. Кетгунича ям-яшил чимзор. Гуллар ажиб дид билан экилган. Яқинда меҳмонхонадан машинада чиқиб, мана шундай гўзал — бир қарич ҳам узилмаган манзарани оралаб, аэропортга бордим. Хорижий курорт шаҳарчаларни эслатади. Янги қурилган шинам, кўркам иморатлар ҳам ярашиқли. Менга ўқитувчилардан бири “Одамларнинг уй-жойга эҳтиёжи тўлиқ таъминланган, бир хонадонда икки-уч оила тиқилиб яшайдан қутулган”, деб қолди. Амалдор эмас, ўқитувчи айтди!

Термиз эса ўсаяпти. Баланд-баланд бинолар қад кўтаряпти. Ҳатто шаҳар эркин нафас ростлаб, тиқилмай кенгайиши учун қўшимча ерлар кераклиги кўзга ташланиб қолди. Шавкат Миромонович бу масалани ҳам ҳал қилиб берди — шаҳарга қўшимча жойлар ажратилди.

Уқувчида “Сурхондарёда фақат Термиз гуллаб-яшнаётган экан” деган таассурот қолмаслиги учун айтиб қўяй, вилоятлардаги барча туманлар ўзгача қиёфа касб этган. Чамаси, беш-олти йил аввал бир гуруҳ санъаткорлар билан Сурхоннинг шимолий ҳудудлари сари кетаётган эдик. Йўлда бир зум чалғибман. Ўзимга келиб қарасам, бир нотаниш шаҳарнинг ёнидан ўтяпмиз. Кўп қаватли уйлар, орасида ораста йўлақлар, дарахтлар, болалар ўйнайдиган майдончалар лип-лип ўтади. Қаерга келиб қолдик? Сурхондарёнинг ҳар бир қарич ерини биламан. Наҳотки, туш кўраётган бўлсам? Бир оз юргач, англадим: бу — Денов. Ҳа, ўзим бошдан-адоқ кезиб-билиб юрган Денов! Эй Худо! Бу шаҳар ичидеги шаҳар — мўъжиза қачон, қандай барпо бўлди? Шунча тезми? Англадим — бу мўъжиза Президентимизнинг шижоати туфайли бунёд бўлган! Сўнг тасаввур қилдим: мамлакатда қанча туман бор, қанча шаҳар бор, борингки, маҳаллалар бор... Барчасида мана шундай бунёдкорлик кетаётган бўлса керак-да! Кетаяпти!

- 3 -

Бутун мамлакатда бундай ёппа бунёдкорликни қайси қудрат ҳаракатга келтиряпти? Бу саволга жавоб аниқ: Шавкат Миромонович Мирзиёев!

Мен мажлисларда кам қатнашаман. Мақсад мажлис ўтказишдангина иборат бўлган йиғинлардан ўзимни тортаман.

Аммо ақин кунларда икки мажлисда қатнашиб, вақт қандай ўтганини сезмадим. Завқланиб ўтирдим. Ўзбекистонни севадиган бир ватанпарвар сифатида фахру қувончга тўлдим. Гап Ватанимизнинг бир бўлаги бўлган Сурхондарёнинг эртаси ҳақида кетди. Президентимиз вилоятда 2030 йилга қадар амалга ошириладиган режалар ҳақида сўзлади.

Мажлисда режалар ҳақида шунчаки гапирилмади, балки уни амалга ошириш учун пухта, қўламли ва аниқ тайёргарлик кўрилгани маълум бўлди. Масалан, мана бу тарзда: режа лойиҳаси тайёр, маблағ бор (банк бошлиғи тасдиқлайди ёхуд жаҳондаги қайси инвестор билан келишилгани айтилади), бу режани амалга оширадиган ташкилот ҳам шай турибди. Ишни қачон бошлаш санаси ҳам аввалдан аниқланган. Мутасаддилар яна бир бор мажлис ахли олдида ахборот берди. Ҳар бир лойиҳада қанча иш жойи очилиши ҳам очиқлаб борилди. Юзлаб, минглаб...

Ҳар бир режа ҳақида сўз кетганда, шу тартиб амалга оширилди. Бирор-бир ишни бажариш орзу сифатида айтилмади. Аксинча, қатъий ишонч билан ахборот берилди.

Бу режаларнинг бир учи хорижга бориб қадалганда эса онлайн тарзда мажлисда қатнашаётган элчиларимиз чет эллик ҳамкорлар ҳозир турганини, Ўзбекистондан имо бўлгач, шу заҳотиёқ учиб боришини маълум қилди. Хорижлик ҳамкорлар ҳам ундай-бундай мамлакатлардан эмас — Хитойда тортиб, Жанубий Африка Республикасига!

Шавкат Миромонович ҳеч нарсани унутмади. Президентимиз бугун нима ишларни бажариш лозимлигини, эртага нимани амалга ошириш кераклигини ички — онгости туйғу билан ҳис қилишини шундоқ сезиб турдим.

Каттаю кичик муаммоларнинг ечимини топишда бир хил маъсулият билан ёндашишга, баъзан бадиҳаларига ҳам гувоҳ бўлдим.

Мажлисдан аввал бойсунлик — кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони Тоштемир полвон Мухаммадиев билан ёш курашчилар учун очилган интернат ҳақида суҳбатлашган эдик. Мажлис сўнгроғида Президентимиз ана шу полвонга мурожаат қилиб қолди:

— Сенинг интернатингнинг мактаби йўғ-а?

— Йўқ, — деди полвон.

— Болалар қаерга ўқишга боради?

— Шу атрофдаги қишлоқлардаги мактабларга.

Шавкат Миромонович кўзи билан залдан керакли одамни излаб топди:

— Пулинг бор-а?

— Ҳа, — деб ўрнидан қўзғалди “керакли одам”.

— Шу полвоннинг интернатига мактаб куриб бероласанми?

“Керакли одам” жон деб рози бўлди.

— Биринчи сентябргача тайёр бўлсин!

— деди Президентимиз. Завқланганимдан секингина бўлса-да “Воя”, деб юбордим. Ахир Шавкат Миромоновичнинг елкасида қарийб ўттиз тўққиз миллион нуфусли халқнинг ташиши турибди! Мамлакатда эҳ-ҳе қанча мактаб бор! Энди келиб-келиб, Президентимиз Тоштемир полвоннинг мактаб-интернати муаммосини эслаб ўтирсам!..

Йиғинда менга ҳам сўз берилди ва мен бу мажлисни сурхондарёликлар учун байрам деб атадим. Чунки тушунишимча, Ватан деган мухташам иморат ривож учун қўйилган ҳар бир ғишт — байрам. Бугун эса қанчадан қанча ғишлар қўйилди!

▶ (Давоми 5-бетда)



Бу мажлисда айtilган ва келгусида амалга ошириладиган ҳар бир режа юрт хазинаси қанчалар бойиши, одамлар хонадонига қанчалар файзу барака олиб кириши ҳақидаги рақамларни эслаб ўтирмайман. Чунки улар матбуотда етарлича ёритилди.

Аммо бир қутлуг хабарни айтмасам бўлмайди.

Игирма олтинчи апрелда Бойсунга борадиган бўлдим.

Термиздан келадиган йўл манзилга олти-етти километр қолганда юқоридаги мажлисда тилга олинган — бир неча йиллардан буён қурилиши давом этаётган Дарбанд — Денов трассасига кўшилиди. Биз бўлажак трассага тушдик. Пишиқ қилиб ишланган бетон йўл. Физиллаб кетяпмиз. Фақат икки жойда гавараси кўтарилиб, қурилиши ниҳоясига етмаган кўприкларни айланиб ўтдик, холос. Ичимда "Бир-икки ойда битиб қолар", деб ўйладим.

Тўрт кундан кейин "Бойсун бахори" фестивалида қатнашиш учун шу йўлдан яна ўтишга тўғри келди. Бу сафар машинамиз тайёр бўлган кўприклар устидан физиллаб ўтиб кетди! Ҳа, тайёр бўлган кўприклар устидан! Орадан фақат тўрт кун ўтиб!.. Яна руҳимни қувонч сели босди! Қойил! Ва Термиздаги мажлисда айtilган барча режалар ўз муддатида бажарилишига ишончим комил бўлди.

Президентимиз йиғин сўнгинда шу тахлит режалар билан барча вилоятга ва Қорақалпоғистонга борилишини таъкидлаб ўтди! Яна мамлакат келажagini барпо этиш йўлида оммавий жадал ҳаракат! Бир зум бўшашмайдиган, эл дастурхонига барака берадиган режалар. Бу режаларнинг асосчиси Шавкат Миромонович ҳам бир зум тиним билмайдиган, мудом халқ манфаати учун куйиб-ёнадиган инсон! Эзгу ниятларига фаришталар омин дейди! Парвардигор раҳмат эшигини очди!

Мен яқин келажакда юртимизнинг энг илғор мамлакатлар қаторидан ўрин олишига ишонаман. Бу ишончмга қўшилимайдиганлар бўлса, Жаҳон банкининг Ўзбекистоннинг ривожланиш суръати ҳақидаги рақамларига мурожаат этсин. Банк 2026 йилда мамлакатимиз ялпи ишлаб чиқариши суръатини 7,7 фоиз этиб, прогноз берапти. Хорижлик мутахассисларнинг фикрича, ўн-ўн икки йилдан кейин Ўзбекистоннинг ялпи ишлаб чиқариши триллион доллардан ошар экан! Триллион! Булар осмондан олинган эмас, аниқ фактлар таҳлили асосида юзага келган рақамлар! Қўз тегмасин!

Уэр, хорижлик мутахассисларни ҳам хижолат этиб қўйяпми! Юқоридаги рақамларни ёзгандан кейин ҳозиргина ўқиб қолдим: ўсишимиз суръати уларнинг тахминидан жуда юқори — 8,7 фоиздан зиёд экан!

- 4 -

Дунёнинг улуг донишмандлари инсониятни тутиб турган қадриятлар ҳақида охир-оқибат ягона хулосага келган. Инсонлар, халқлар, давлатлар ўртасидаги муносабатларга ўзи ҳам аралашиб, не-не ғавғоларни бошдан ўтказган Алишер Навоий бир куни мана бундай сатрларни битган:

**Олам аҳли, билингизким,  
иш эмас душманлиг,  
ёр ўлунг бир-бирингизгаки,  
эрур ёрлиг иш.**

Бу байт маъносини барча англаб турган бўлса ҳам майли, шарҳлаб қўяй: "Дунё одамлари, — деяпти шоир, — билиб қўйинг: душманлик яхши иш эмас. Бир-бирингиз билан дўст бўлинг, инсонга фақат дўстлик ярашади".

Шавкат Миромонович, назаримда, ҳали Президентлик лавозимига сайланмасдан олдин ҳам "душманлиг иш эмас" эканини чуқур тушунган. Марказий Осиёдаги қондош-жондош мамлакатлар ўртасида авж олган нохушликларни юраги ачишиб кузатган. У бошқарган Вазирлар Маҳкамасининг вазифаси ҳужалик юритиш бўлгани учун кўшилар билан муносабатимиз ёмонлиги туфайли ривожланиш имиллаётганини теран ҳис қилган. Энг муҳими, бу ғалвалардан одамлар ҳам азобланаётганини ўз кўзи билан кўрган.

Албатта, шундай бўлган! Шу боис, Шавкат Миромонович мамлакат бошқаруви жиловини ўз қўлига олгач, бир зум тин олмай, аввало, кўшилар билан қардошлик-қариндошлик ришталарини тиклай бошлади. Бу иш қанча оғир-енгил кечгани фақат шу эзгу ниятли одамнинг ўзига маълум. Аммо натижа қутлуг — кўшни мамлакатларга йўлимиз тушса, Ўзбекистоннинг бир фуқароси сифатида биз ҳам иззат-хурмат кўряпмиз.

Сурхондарё вилояти учта мамлакат билан чегарадош. Шўролар даврида, масалан, Тожикистон билан Ўзбекистон ўртасида чегара бор-йўқлиги эсимизга ҳам тушмасди. Термиз ёпиқ шаҳар бўлгани учун Душанбега ҳам учиб бориб, Сурхонга ўтиб кетаверардик. Баъзилар каттароқ бозор-ўчарини Душанбега бориб қиларди... Аммо мустақилликдан кейин бир муддат ўтгач, ҳамма ўзига хон, ўзига бек бўлиб олди. Чегарадан ўтиш ушалмас орзуга айланди!

Ҳозир тарихга айланган бошоғриқ бу кунлардан бир шингил воқеани куни кеча хикоя қилиб беришди. Сариосиёда яшайдиган бир кекса аёлнинг Регардаги синглиси вафот этганда жигарининг қабрини зиёрат этиш учун саккиз йил уриниб, чегарадан ўтолмаган экан. Регар билан Сариосиёнинг ораси, ҳа борингки, ярим соатлик йўл!

Икки мамлакат ўртасида дўстлик-биродарлик муносабатлари ўрнатилгач, қариндошлар бу узоқ айрилиқдан сўнг йиғлаб-сиқтаб юз кўришди. Душанбедан шувиллаб машиналар Сурхондарёга келадиган, уч-тўрт сариосиёлик дўстлар "Душанбени бир айланиб келайлик", деб йўлга чиқадиган бўлди. Бир кадам йўл! Эрталаб бориб, кечқурун қайтиб келасиз!

Тожикистонни бошқа ҳудудлар, қўйингки, жаҳон билан боғловчи асосий йўллар юртимиз орқали ўтади! Энди бундай имкониётларга эга тожик халқининг хуррамлиги нечоғлиқ бўлганини тасаввур этинг!

Шу сабабдан Шавкат Миромонович бу кўшиларимиз юртига ташриф буюрганда, Эмомали Раҳмон сахнадан туриб, ҳазил аралаш жуда зўр лутф этган эди: "Булар, — деди у зални тўлдириб ўтирган тожик халқи вакилларига ишора этиб, — сизни мендан ҳам ортиқ яхши кўради!". Мана хурмат! Мана қардошлик!

Президентимизнинг бу ташрифидан сўнг бир муддат ўтгач, беш-олти ёзувчи жам бўлиб, Душанбега бордик. Мақсадимиз Бойсунда туғилган дўстимиз, Тожикистон халқ ёзувчиси Саттор Турсун вафоти муносабати билан яқинларига ҳамдардлик билдириш эди. Ёз кунлари. Эгнимизда ёзлик энгил-бош... Аэропортда эса бизни ўн-ўн беш чоғли киши — оппоқ кўйлак, қора костюм-шим кийган тожик дўстларимиз кутиб олди. Эртаси куни қўрилмаганда Тожикистон Ёзувчилар уюшмасида қардош адабиётларимиз алоқалари ҳақида конференция ўтказилди. Яна ҳамма ўша расмий кийимда. Кўчада эса ёз... Биродарлар, бу тарзда мажлисининг номини иззат-икром дейдилар! Ўзбекларга иззат-икром!

Бизни Сурхондарёга олиб кетгани юртимиздан оғайнилар келди. Мен йўлда қандай кетсақ бўлади, автомобилларни ҳайдовчилар қайси тезликда ҳайдаса маъқул, милисалар тўхтаб, қандай муомала қилиш керак деб сўраб қолдим. Ҳар ҳолда машиналаримиз рақами Ўзбекистонники-да! Тожик дўстларнинг жавоби мени ҳайрон қолдирди:

— Ҳар қандай тезликда ҳайдайверинглар! Милисалар тўхтатмайди! Президентимиз "Ўзбеклар менинг меҳмоним — уларга ҳеч ким тегинмасин", деб юқори минбарда айтган! Қалай?

Бу гаплар ўзбек халқига ҳурматнинг энг чўққиси эди. Икки халқ ўртасидаги бу иззат-ҳурматнинг қайтиши, янада юқори даражага кўтарилиши Шавкат Миромоновичнинг жонқуярлиги, самимий — дипломатик маҳорати ва инсоний фазилатлари билан боғлиқ эди. Яқинда атоқли ўзбек шоири Шавкат Раҳмон таваллудининг 75 йиллигини нишонлаш учун Ўш шаҳрига бир гуруҳ ижодкорлар билан йўлга чиқдик. Илгари ҳам Ўш сафарига бўлганман. Чегара машмашаларини ўйлаб, кўнглим хижил

бўлиб бораётгандим. Аммо безовталиқка ўрин йўқ экан. Ўзбекистон фуқаролигига оид ҳужжатларимизни кўрсатиб, бемалол ўтиб кетавердик. Қирғизлар ҳам юртимизга шундай кириб келяпти.

Бу бемалолликни яратган, икки халқ ўртасида ишонч ва ҳақиқий дўстликни қайта барпо этган инсонларни алқадик. Ахир, бу икки кўшни халқ ўртасидан нималар ўтмаган эди!

Шавкат Раҳмоннинг юбилейига бағишланган ижодий кеча ниҳоятда баланд савияда ўтди. Мажлисда Қирғизистон ҳукуматининг бош котиби, нуфузли ТУРКСОЙ ташкilotи раҳбари, Ўш шаҳри ҳокими қатнашди ва нутқ сўзлади. Шавкат Раҳмон ўқиган мактабга ва шаҳарнинг катта кўчаларидан бирига шоир номи берилди.

Албатта, бу катта шоир шундай эҳтиромга арзийди. Шубҳа йўқ. Аммо барибир бу самимий эҳтиромнинг сабабчиси Шавкат Миромонович эканини ҳам ҳар дақиқада ҳис қилиб турдик.

Камина Қозоғистон сафарига бўлганимда дўстларнинг худди шундай меҳрига дуч келдим. Бир эмас, бир неча муқофот билан тақдирландим. Ҳатто хорижий бир мамлакатнинг адабий муқофоти ҳам қозоқ дўстларимизнинг тавсияси билан менга топширилди. Агар муносабатларимиз аввалдагидай ғаразли кечганда, шундай ҳол рўй берармиди?!

Марказий Осиё халқлари ўртасидаги бу иттифоқчиликнинг, бағрикенгликнинг ва меҳру муҳаббатнинг бош мезмори Шавкат Миромонович эканини ҳозир барча кўриб турибди. Хорижликлар ҳам бу минтақани ривожланиш сари бошлаб борадиган куч сифатида Ўзбекистонга қарамокда.

Мен, асосан, азаллий яқин кўшиларимиз билан муносабатлар ҳақида ёздим. Ҳар куни ўзгараётган бу чигал дунёдаги бошқа мамлакатлар билан муносабатларимиз ҳам айтишга арзигулик эканини таъкидлаб ўтмоқчиман. Масалан, Афғонистон билан етарли даражада алоқалар ўрнатганмиз. Ахир бу мамлакат орқали океанларга чиқиш орзумиз бор!.. Ҳозир шундоқ Амударёдаги кўприқдан ўтиб, ўзбек тупроғига қадам қўйилган жойда "Ўзбекистон — Афғонистон чегара олди савдо ҳудуди" бунёд этилган. Қатор-қатор дўқонлар, меҳмонхоналар, ошоналар... Савдо-сотик авжида. Худуд тўлиб-тошиб кетяпти. Президентимиз бу ҳудудга яна қўшимча ер ажратиб ҳақида топшириқ берди.

Албатта, бу ён кўшиларимиз ҳам Ўзбекистон раҳбари шаънига илиқ сўзлар айтгани-айтган...

Дунёда ҳақиқий обрўга эга бўлиш осон иш эмас. Бу рутбага истеъдодли, ўзини мени меҳнат қиладиган, фаросатли, бошқаларнинг ҳам манфаатини ҳурмат этадиган, ўз мамлакатини ҳам жонидан яхши кўрадиган сиёсий арбобларгина сазовор бўлади.

Мана шундай обрўга эга бўлганлардан бири эса бизнинг Президентимиз — Шавкат Миромонович! Ҳа, ўзимизнинг Президентимиз!

- 5 -

Мамлакатимиздаги ўзгаришларнинг оқими жуда катта. Уларнинг ҳаммаси "Мен — ўзбекман!" деганларни қувонтиради.

Масалан, кейинги ойлардагина рўй берган қатор янгилар ҳали-ҳануз мени ҳайратга солиб келяпти.

Агар икки-уч йил аввал биров "Барчамизнинг жонимизга теккан шу пахтадан саксон-тўқсон центнердан ҳосил олинади", деса, камина "Қўйсанг-чи", деб кулиши аниқ эди. Аммо худди шундай бўлди! Яна қаерда денг? Сирдарёда! Бу вилоятда талабалигимда пахта терганман. Ўртача игирма центнердан ҳосил олинса, дўппи осмонга отиларди! Энди эса... Одам ишонмайди. Ҳатто деҳқонларнинг ўзи ҳам чаноклар бошдан-адоқ очилган пахтазорга қараб, ҳайрат билан гапирганига гувоҳ бўлганман. Хориждан уруғлик келтирилди? Келтирилди. Аммо ўзимиз ҳам қараб турганимиз йўқ. "Порлоқ" навли ғўзамиз хорижий навлардан ортиқ бўлса ортиқ, лекин кам эмас!

Бир жумла билан айtilганда, пахтачиликда инқилоб рўй берди!

Ҳайратланарли яна бир воқеа. Олмалиқда 3-мис бойитиш фабрикаси ишга туширилди. Бундай фабрикалар қурилиб, ишга туширилиш жараёни бутун жаҳонда ўн йилга чўзилар экан. Бизда эса тўрт йилда (ҳа, тўрт йилда!) амалга оширилди. Бу муддатга ҳатто ўзимизнинг энг катта мутахассислар ҳам, америкалик ҳамкор ҳам ишонқирамаган экан. Мана шу америкалик энди бутун жаҳонни Ўзбекистоннинг бу тезкор тажрибасини ўрганишга чақирди.

Яна бир ҳайрат. Фақат мен эмас, ҳали ўзбекларнинг неча-неча авлоди ғурурланадиган мўъжиза — Ислоҳ цивилизацияси марказининг бунёд этилиши. Бу марказ ажиб дид билан қурилган қошона. Деворларида қўл билан ишланган нақшлар, бутун дунёдан йиғиб келинган — илгари ўзимиздан олиб чиқиб кетилган ноёб экспонатлар, Усмон Куръони, қадимий қўлёзмалар... Уларни намойиш этиш учун энг замонавий технологияларнинг қўлланиши...

Шавкат Миромонович марказнинг қурилиши ҳақида қизиқ тушуштириш берди: "Бу марказнинг қурилишида шоммадик. Саккиз йилда охирига етказдик...".

Бу изох менга жуда ёқди. Чунки навбатдаги бир иморат эмас, балки санъат асари қуриляётган эди! Санъат асари яратилишига худди шундай сабр-тоқат билан ёндашилади! Президентимиз мана шу нозикликини англаган!

Хуллас, асрларга татигулик иншоот дунёга келган.

Мен интернетда бу мўъжизани томоша қилиш учун бораётган икки кишининг суҳбатини эшитдим.

— Сен, — деди уларнинг бири иморат бор бўйича кўрингач, — Тожмаҳални ҳам кўргансан. Қайси зўр?..

— Бу зўр-ов, — деди ҳамроҳи бинога назар ташлаб. Сўнг ишонч билан бир қарорга келди. — Бу зўр!

Тамом, вассалом! Бу зўр!

Бундай бунёдкорликлар ҳақида ёзаверсам, адо бўлмайди шекилли.

Бугун интернетни очдим. Мана, тилга олинган янгилар: Тошкентдан Хоразмга йўл олган "Жалолиддин Мангуберди" тезкор поезди, Тошкент вилояти марказидан Бекободдан айлантеририб, Янгиерга борадиган янги 111 километрли янги темир йўл қурилиши, Самарқандга борадиган янги тезкор йўл, Тошкентдаги янги аэропортдаги асосий ишларнинг бошланиши...

Назаримда, ҳайратларимизнинг энди чеки бўлмайди.

## СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

Спорт ишқибозиман. Ишқибозлигимни биладиган Хайрулла деган журналист укам — тўқсонинчи йилларнинг охирида бўлса керак, футбол газеталаридан бирига интервью олиб қолди.

— Мана, Япония футбол жамоаси жаҳон чемпионати финалига йўлланма олди, — деди у. — Биз қачон жаҳон чемпионатига чиқамиз?

— Энди, — дедим мен атрофимдаги воқеликларни бир зум кўз олдимга келтириб, — мамлакатимизнинг Японияга менгаб ривожланишини кутамиз-да, укам.

Орзумизга эришдик. Футболчиларимиз финал йўлланмасини қўлга киритди. Демак... Японияга менгаб кетяпми? Шунга жуда ўхшайди. Ҳар ҳолда ривожланишимиз суръати кунчиқар кунчиқар анча баланд.

Ишончим комил, шундай бўлади! Чунки Ватанимизнинг бугунини ва эртасини яратишга ватанпарвар, халқпарвар, ишбилармон ва адолатли инсон бел боғлаган!

"Янги Ўзбекистон" газетасининг 2026 йил 12 май кунги 95 (1694)-сонидан олинди.



## Касб ўргатиш:

# АМАЛИЙ НАТИЖА ҚАЙ ДАРАЖАДА?

► (Давоми. Боши 1-бетда)

**Одилжон ИМИНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:**

– Хабарингиз бор, мамлакатимизда етита устувор йўналишни ўз ичига олган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури амалга оширилмоқда. Унда касбга тайёрлаш асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланган. Хусусан, камбағал аҳолининг барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун доимий иш билан таъминлаш, бу борада инновацияларга кенг ўрин бериш, яъни ҳозирги технологиялар асрида ИТ, сунъий интеллект, финтех каби одамларга юқори даромад келтирадиган соҳаларда стартаплар экотизимини ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун Янги

касбга ўқитиш тизимини ривожлантиришга эътибор қаратилди. Касб-хунари бор ёшлар олий таълимга киролмаган тақдирда ҳам ўз ишини, даромадини топиб кетади. Ҳаётда қийналмайди.

Тўғри, бу борада ҳали қилиниши керак бўлган ишлар ҳам, муаммолар ҳам кўп. Чунки бунинг учун аввало, моддий-техник база бўлиши керак, яхши мутахассислар керак. Энг муҳими, бу борада катта ислохотлар бошланган. Бу самарасини беришига ишонамиз.

Хўш, касбга ўқитиш натижалари ва реал бандлик натижалари қандай? Сессияда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги вакили шу саволга жавоб берди.

**Тоир МАМАДХЎЖАЕВ, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Касбга ўқитиш ва малака ошириш бўлими бошлиғи:**



Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгиланганидек, эркин ва ижодий фикрлайдиган ёшларнинг 50 фоизини техник, аниқ фанлар ва ИТ соҳаларига ўқитиш мақсад қилинган.

Касбга ўқитишдаги энг асосий мақсад – инсон капиталини ошириш. Бу нима дегани? 18 ёшга етгандан тўрт нафарга эга бўлиш билан биргаликда маълум бир касбга ҳам эга бўлсин. Қачонки у ўзини таъминлай олса, даромад манбаига эга бўлса, шунда унинг жамиятга фойдаси тегади.

Маълумотларга кўра, дунёнинг энг ночор мамлакатларида қашшоқликда яшаётган ҳар беш кишидан тўрт нафари ижтимоий ёрдам билан қамраб олинмаган. Демак, ижтимоий йўналишдаги масалаларни ҳал этиш учун ҳам фуқароларни касбга ўқитиш муҳим аҳамиятга эга.

Яна бир маълумот. Фақат инновациялар кўламнинг етарли даражада шаклланигани учун ёшларнинг иқтисодий самардорлиги икки баравар кам.

Демак, янги куч билан кириб келадиган инновация – бу кучли омилидир. У бир киши ёки алоҳида тизим эмас, балки жамиятнинг барча соҳаларида улуши катта бўлган жараёнлидир.

Бу борадаги яна бир муҳим масала бу таълим сифатини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш, деб ўйлайман. Афсуски, ҳозир биздаги энг оғир муаммо шу. Чунки йиллар давомида касб-хунаро коллежларида дарсга бормасдан, дипломини олиб кетган ҳолатлар жуда кўп бўлди. Мақсад диплом тарқатиш эмас-ку. Мақсад – сифатли касбга эга бўлган кадрни тайёрлаш. Тўғриси айтиш керак, ҳаттоки, олий таълимни тамомлаб кўлидан бир иш келмайдиган мутахассислар ҳам бор...

Шунинг учун ҳам ҳозир мактаб пайтидаёқ ўқувчиларни

олиши аниқ белгиланарди.

Амалдаги янги ваучер тизимида эса биз фуқарога танлаш имкониятини беряпмиз. Яъни фуқаро ўзи йўналишни танлайди ва шундан келиб чиқиб унга ваучер берилади.

Бу шунчаки ваучер тизими орқали таълим муассасасини танлади эмас ёки мен давлат ташкилотларидан хусусий сектор зўр, деб айтмоқчи ҳам эмасман. Фақат ваучер тизими орқали нафақат одамларимизга эркин танлаш ҳуқуқини, балки иккинчи томондан таълим муассасаларини назорат қилиш механизмларини ҳам жорий қилганмиз. Уларнинг дарсга келиб-кетмиши қатъий назорат қилинади.

2026 йилда ҳам режаларимиз катта. Ваучер тизими орқали 120 минг нафар ишсиз ва камбағал фуқароларни касб-хунарга ўқитишни мақсад қилганмиз.

Чунки келажак бугунги ҳаракатлар билан қурилади. Касб-хунаро ўрганган инсон ҳеч қачон қийналмайди. Шунинг учун ёшларни билим олишга, хунаро эгаллашга ва доимо ўз устида ишлашга ундаш ҳар бир ота-она ва жамиятнинг муҳим вазифасидир.

**Шиҳназар ШАРОФИДДИНОВ, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Касб таълими академияси директори ўринбосари:**

– Ёшларни касб-хунарга ўргатиш уларнинг келажакини таъминлаш, бандлигини ошириш ва жамият тараққиётига ҳисса қўшишини муҳим омилларидан бири. Касб-хунаро эгаллаган ёшлар мустақил ҳаётга тайёр бўлади, ўз меҳнати билан даромад топиш имкониятига эга бўлади ҳамда мамлакат иқтисодиёти ривожига ҳизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, бу борада катта ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони билан Касбий таълим агентлиги ташкил этилди. Ушбу фармон доирасида Ўзбекистонда касбий таълим тизимини ривожлантиришда 2030 йилгача бўлган устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Бу яқин мамлакатимизда 600 га яқин техникумлар фаолият юритади. Уларда 437 мингта ўқувчи таҳсил олмақда.

Шунингдек, ҳозир дуал таълим тизимига ҳам алоҳида эътибор берилди. Бу нима дегани? Бунда таълим жараёнининг назарий қисми таълим муассасасида ўтказилади, амалий қисми эса корхона ва ташкилотда бўлиб ўтади. Айтиш керакки, дуал таълимда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг 90 фоизининг бандлиги таъминланади. Бу жуда катта имконият ҳисобланади.

Ҳозир 510 та касбий таълим ташкилотида 67 минг нафар ўқувчи дуал таълим шаклида ўқимокда. Устувор вазифалардан келиб чиқиб айтилган бўлса, 2027 йилда бу кўрсаткични 100 минг нафарга кўтариш режалаштирилган. Ушбу йўналишда 14300 та корхона ва ташкилот билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Яна бир гап. Ўзбекистонда ҳозир касбий таълимни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан биттаси айнан халқаро таълим дастурларини жорий этиш ҳисобланади. Ҳозир Ўзбекистонда 47 та техникумда 27 та касб бўйича халқаро таълим дастурлари жорий этилган. Бундай таълим дастурлари ривожланган давлатларнинг таълим дастурлари

ҳисобланади.

Хўш, бундай таълим дастури нима беради? Бу аввало, Ўзбекистондаги касбий таълим сифатини халқаро даражага олиб чиқиш имкониятини беради. Шу билан бирга битирувчиларга нафақат мамлакатимиз ички бозорига, балки халқаро бозорда ҳам муваффақиятли иш ўрнига эга бўлиш учун шароит яратади.

Биламизки, техникда асосий эътибор касб ўргатишга қаратилади. Шунинг учун ҳам таълим усталарини касбий ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Чунки у касб ўргатади. Шунинг учун бундай педагоглар учун касбий сертификатлаш тизими жорий этилди. Ҳозир 50 фоиз педагоглар бундай сертификатга эга. Бу орқали тизимда сифат ва самардорлик таъминланмоқда, деб бемалол айтиш мумкин.

**Шаҳзод ОМОНОВ, Ёшлар тadbirkorлигини ривожлантириш жамғармаси бўлим бошлиғи:**

– Маълумки, бугун мамлакатимиз аҳолиснинг 65 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этади. Демак, 22 миллиондан ортиқ фуқароларимиз ёшлардан иборат.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларга имтиёзлар бериш – мамлакат келажакига сармоя киритиш демакдир. Чунки билим, фаол ва ташаббускор ёшлар жамият тараққиётининг асосий таянчидир. Уларга яратилган имконият ва шароитлар эса катта ютуқлар учун мустаҳкам замин бўлади.

Ўтган йили Ёшлар бизнеси дастури орқали Алоқа банк томонидан йигит-қизларимизнинг 10 мингга яқин лойиҳаларига 1 триллион 201 миллиард сўм маблағлар ажратиб берилди. Бунинг натижасида 12 мингдан ортиқ ёшларимизнинг бандлиги таъминланган.

Шунингдек, Миллий банк томонидан олий таълимни битираётган ёшлар тadbirkorлигини бошлаш учун 4700 дан ортиқ лойиҳаларга 215 миллиарддан ортиқ маблағ ажратилди.

Хўш, бу лойиҳалар нимага ҳизмат қилади? Ўз ишини йўлга қўйиш, бизнесини бошлаш ниятида юрган ёшларимизга тижорат банклари томонидан имтиёзли ва узоқ муддатли кредитлар берилди. Бу кредит микдорлари жорий йилда 5 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмга кўтарилди.

Шунингдек, ҳозир мамлакатимизда “Кўмак” дастури амалга оширилмоқда. Бу дастур асосан ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни касб-хунаро ва тил ўрганишга жалб қилиш, тadbirkorлиқни ривожлантиришга кўмак беришга қаратилган ташаббуслардан бири. Масалан, дастур доирасида чекка ҳудудларда хорижий тил ўқув

марказлари очилиб, ёшларга имтиёзли ва ҳатто фойсиз ссудалар ажратилмоқда.

2026 йилнинг биринчи чорагида 300 дан ортиқ лойиҳаларга 35 миллиарддан ортиқ пул маблағлари ажратилди. Бунинг ортидан биттадан ўқув марказида камида беш нафардан ўқитувчи ишга олинаётганини инобатга олсак, битта лойиҳанинг ўзида бир ярим мингдан ортиқ олий таълим муассасалари битирувчиларнинг бандлиги таъминланмоқда.

Энг муҳими, бу каби дастурлар орқали ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг иқтисодини рўёбга чиқариш ва жамиятда фаол ўрин эгаллашига кўмак берилмоқда.

\*\*\*

Мунозара майдонида кизгин бахслар бўлди, ўринли таклифлар айтилди. Мутасадди идоралар вакиллари, экспертлар ҳамда депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, савол-жавобларни тўлиқ ёритиш учун бир саҳифа етарли эмас.

Энг муҳими, партия фаоллари ва депутатлар бу муҳокамалар давомида сайловчилар ҳамда электорат манфаатларини қатъий ҳимоя қилишни намоён этишди. Улар аҳолини ўйлантираётган долзарб масалалар юзасидан очик ва асосли фикр билдириб, ўз эътироз ва таклифларини аниқ ва далиллар билан илгари суришди. Бу эса жамоатчилик манфаатларини билим, фаол ва ташаббускор ёшлар жамият тараққиётининг асосий таянчидир. Уларга яратилган имконият ва шароитлар эса катта ютуқлар учун мустаҳкам замин бўлади.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларга имтиёзлар бериш – мамлакат келажакига сармоя киритиш демакдир. Чунки билим, фаол ва ташаббускор ёшлар жамият тараққиётининг асосий таянчидир. Уларга яратилган имконият ва шароитлар эса катта ютуқлар учун мустаҳкам замин бўлади.

Ўтган йили Ёшлар бизнеси дастури орқали Алоқа банк томонидан йигит-қизларимизнинг 10 мингга яқин лойиҳаларига 1 триллион 201 миллиард сўм маблағлар ажратиб берилди. Бунинг натижасида 12 мингдан ортиқ ёшларимизнинг бандлиги таъминланган.

Шунингдек, Миллий банк томонидан олий таълимни битираётган ёшлар тadbirkorлигини бошлаш учун 4700 дан ортиқ лойиҳаларга 215 миллиарддан ортиқ маблағ ажратилди.

Хўш, бу лойиҳалар нимага ҳизмат қилади? Ўз ишини йўлга қўйиш, бизнесини бошлаш ниятида юрган ёшларимизга тижорат банклари томонидан имтиёзли ва узоқ муддатли кредитлар берилди. Бу кредит микдорлари жорий йилда 5 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмга кўтарилди.

Шунингдек, ҳозир мамлакатимизда “Кўмак” дастури амалга оширилмоқда. Бу дастур асосан ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни касб-хунаро ва тил ўрганишга жалб қилиш, тadbirkorлиқни ривожлантиришга кўмак беришга қаратилган ташаббуслардан бири. Масалан, дастур доирасида чекка ҳудудларда хорижий тил ўқув



**Лазиза ШЕРОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.**

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР КЕЛАЖАККА

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Яна бир муҳим жиҳат санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилинишидир. Болалар соғлом муҳитда тарбия олиши керак. Тозалик, ҳавонинг тўғри айланishi, озиқ-овқат сифати ва умумий гигиена талабларига риоя қилиш боланинг соғлиғи учун зарур бўлган асосий омиллардан ҳисобланади. Чунки соғлом бола — бу фаол ва тўлақонли ривожланаётган боладир.

Лекин очиғини айтиш керак, шундай боғчалар борки, уларда моддий-техника база етарли эмас, бинолар таъмирталаб ҳолатда, умумий шароитлар талаб даражасига жавоб бермайди.

Шундан келиб чиқиб, Халқ демократик партиясининг парламентдаги фракцияси ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар гуруҳи аъзолари мактабгача таълим ташкилотларида болалар хавфсизлиги масаласини депутатлик ва жамоатчилик назорати тартибиде республика миқёсида кенг ўрганмоқда.

Партия фаолларининг маълум қилишича, бу бўйича махсус дастур асосида иш олиб бориляпти. Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва албатта, ваколатли ташкилотлар вакиллари иштирокидаги ўрганишларда болалар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи ҳолатлар аниқланмоқда.

Партия депутатлари республикадаги боғчаларни бирма-бир ўрганиб, камчиликларни ҳамкор ташкилотлар билан бирга жойида хал этишни, тизимли муаммоларга эса парламент ва депутатлик назорати асосида ечим топишни, мутасадди вазирлик-идораларнинг масъулиятини кучайтиришни кўзлаган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А. Нурматов Андижон вилояти Избоскан туманидаги 3-давлат мактабгача таълим ташкилотига бўлиб, муассаса фаолияти билан танишди.

Маълум бўлишича, муассасанинг бугунги ҳолати ижтимоий нормалар, санитария ва хавфсизлик қоидаларига тўлиқ жавоб бермайди.

**Анвар НУРМАТОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ушбу мактабгача таълим ташкилотининг биноси ўтган асрнинг 60-йилларида қурилган бўлиб, кейинчалик мослаштирилган бинода фаолият кўрсатмоқда. 90 ўринга мўлжалланган боғчада ҳозирги кунда 150 нафар бола тарбияланмоқда. Назорат-таҳлил давомида маълум бўлдики, ушбу боғча биноси анча таъмирталаб аҳволга келган. Бугунги ҳолат белгиланган стандартларга умуман жавоб бермайди.

Биз бир нарсани унутмайлик, бундай ҳолатлар, шароитлар йўқлиги албатта,



болаларнинг кундалик ҳаётига таъсир қилади. Чунки бола кўпроқ вақтни айнан боғчада ўтказади. Агар муҳит қулай, хавфсиз ва замонавий бўлмаса, бу унинг руҳий ҳолатига ҳам, ривожланишига ҳам таъсир ўтказмасдан қолмайди.

Бундай таъмирталаб бинолар ва эскирган жиҳозлар нафақат қулайлик, балки хавфсизлик масаласига ҳам бевосита таъсир қилади. Бола учун эса энг асосий нарсаси — хавфсиз ва ишончли муҳитдир. Фаслларга қараб истиш ёки совитиш тизими барқарор ишламаса боланинг соғлиғига салбий таъсири бўлиши табиий. Ёки ўйин ва машғулотлар учун етарли жиҳозлар бўлмаса, боланинг қизиқиши ва фаоллиги пасайиши мумкин.

Албатта, бу муаммоларни бир кунда ҳал қилиш осон эмас. Лекин аниқ режа ва изчил ишлар олиб борилиши керак. Чунки боғча — бу оддий муассаса эмас, балки келажак авлод тарбияланадиган муҳим маскандир.

Мазкур бино туманининг 2027 йилги таъмирлаш дастурига киритилган. Биз унинг ижроси ўз вақтида бажарилишини қатъий назорат қиламиз. Чунки ҳар бир белгиланган вазифа қозғода эмас, амалда ўз вақтида ва сифатли бажарилиши керак. Айниқса, боғчалардаги шароит болаларнинг соғлом ўсиши ва сифатли таълим-тарбия олиши билан бевосита боғлиқ эканини инобатга олсак, бу масалага юзаки ёндашишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

\*\*\*

Бугунги кунда мактабгача таълим тизимида хизмат кўрсатиш сифати масаласи ҳам жуда муҳим ўрин тутаяди. Чунки боғчада бола фақат тарбия ва таълим эмас, балки кундалик хизматлар — овқатланиш, гигиена,

тозалик ва умумий парвариш орқали ҳам тарбияланади.

Афсуски, айрим ҳолатларда хизмат кўрсатиш сифати барча боғчаларда бир хил даражада эмаслиги кузатилади. Бу эса болалар учун яратилиши керак бўлган бир хил ва қулай муҳит тамойилига тўлиқ мос келмаслиги мумкин. Чунки овқат сифати, тозалик ва умумий хизматлар — боланинг соғлиғи ва кайфияти билан узвий боғлиқ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Қизилгул Қосимова ўрганишлар давомида ана шу масалаларга эътибор қаратди.

— Оҳангарон туманидаги 2-сон давлат мактабгача таълим ташкилотига тарбияланувчи болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида умумий хавфсизлик талабларига риоя этиш ҳолатини ўргандик, — дейди депутат.

— Ўрганиш жараёнида муассасанинг ички ва ташқи ҳудудларида санитария-гигиена талабларига амал қилиниши ҳолати алоҳида синчиклик ва масъулият билан кўздан кечирилди. Текширувлар давомида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, электр жиҳозларидан оқилона ва хавфсиз фойдаланиш тартиби, шунингдек, болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар қўйиб қилинди. Аниқланган айрим камчиликлар эса келгусида бартараф этилиши зарур бўлган муҳим вазифалар сифатида қайд этилди, зеро, болалар хавфсизлиги энг устувор масалалардан биридир.

Ўйин майдончаларининг хавфсизлиги, жиҳозларнинг мустаҳкамлиги ва болалар ёшига мослиги пухта таҳлил қилиниб,

уларнинг болалар учун нафақат қизиқарли, балки мутлақо хавфсиз бўлиши зарурлиги таъкидланди. Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва тайёрлаш жараёнлари ҳам санитария-гигиена талаблари асосида чуқур ўрганилиб, озуқанинг сифатлиги, тозаллиги ва болалар саломатлигига ижобий таъсири таъминланиши муҳим омил сифатида баҳоланди.

Умуман олганда, ўтказилган ўрганиш муассасадаги шароитларни янада яхшилаш, болалар учун хавфсиз, соғлом муҳит яратиш йўлида муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

\*\*\*

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Анвархон Темиров Косонсой туманида бўлиб, ўрганишлар олиб борди.

Ўрганишлар давомида давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида ёнғин, электр, санитария ҳамда умумий хавфсизлик талабларига риоя этилиши ҳолати таҳлил қилинди.

Жараён доирасида туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими раҳбарияти билан мавжуд ҳолат муҳофаза қилиниб, болалар хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташкилий ишлар самарадорлиги кўриб чиқилди.

Шунингдек, бир қатор мактабгача таълим ташкилотлари жойига чиқиб ўрганилиди ҳамда махсус соволнома асосида таҳлиллар олиб борилди.

Ўрганиш якунида аниқланган муаммо ва камчиликлар юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни белгилаш режалаштирилди.

\*\*\*

Тўғри, бугунги кунда кўплаб боғчаларда ижобий ўзгаришлар ҳам амалга оширилаётганини таъкидлаш керак. Замонавий талабларга мос шароитлар яратиш, гуруҳ хоналарини яхшилаш, санитария назоратини кучайтириш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Лекин бу йўналишда янада катта эътибор, назорат ва масъулият зарур. Чунки боғча муассаса эмас, балки боланинг ҳаёти ва келажаги шаклланадиган маскан.

Агар ҳар бир боғчада тартиб, тозаллик ва хавфсизлик талаблари тўлиқ таъминланса, бу нафақат болаларнинг соғлом ўсишига, балки ота-оналарнинг ҳам ишончини оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, боғчалардаги шароит ва қоидаларга риоя қилиш масаласи — бу фақат ташкилий эмас, балки жамият келажагига дахлдор бўлган жуда муҳим масаладир.

**Лазиза ШЕРОВА,**  
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

## ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ:

# КЕНГ ҚАМРОВЛИ ТАДБИР

Партиямиз Тошкент вилояти кенгаши ташаббуси билан Паркент туманида партиянинг ҳудудий тузилмалари фаолиятини янада кучайтириш, депутатлик корпуси самарадорлигини ошириш ва аҳоли билан мулоқотни янги bosқичга олиб чиқишга қаратилган амалий тадбирлар ташкил этилди.

Мазкур тадбирларда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент вилояти кенгашининг масъул ходимлари, 22 та шаҳар ва туман кенгашлари раислари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари ҳамда ёшлар вакиллари иштирок этилди.

Дастлаб тадбир дастурига мувофиқ, Паркент тумани “Номданак” қишлоғида истиқомат қилувчи 101 ёшли нуруний Анорбой ота Жалилов хонадонларига ташриф буюрилиб, унга “Партия фахрийси” кўкрак нишони топширилди. Бу каби эътирофлар партиянинг инсон қадрини улуғлаш ва авлодлар ворисийлигини таъминлашга қаратилган устувор сиёсатининг амалий ифодаси ҳисобланади.

Шундан сўнг, “Депутатлик гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро алоқа ҳамда ҳамкорлик механизмларини мустаҳкамлаш” мавзусида тажриба алмашишга бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Семинар давомида маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан депутатлик назоратини амалга ошириш, ҳудудларда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, партия гуруҳлари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан тақдимотлар ўтказилиб, илгор тажрибалар ўзаро муҳокама қилинди.

**Юлдуз УБАЙДУЛЛАЕВА,**  
халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутати:

— Депутатлик назорати — бу шунчаки расмий жараён эмас, балки халқ манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим ва ҳаётий фаолиятдир. Унинг асосида очиқлик, шаффофлик, адолатлилик ва қонунийлик каби тамойиллар ётади. Чунки депутат — бу халқ ва давлат ўртасидаги кўприк, унинг вазифаси эса фақат қонун қабул қилиш эмас, балки шу қонунларнинг ҳаётда қандай ишлаётганини ҳам кузатишдир.

Депутатлик сўровлари орқали давлат органларидан аниқ ва асосли жавоблар талаб қилинади. Ҳисоботларни эшитиш жараёнида эса мансабдор шахслар ўз фаолияти юзасидан



жавобгарликни ҳис қилади. Депутатлар жойларга чиқиб, аҳолининг дардини тинглаганда, қозғодаги маълумот билан ҳаётдаги ҳолат ўртасидаги фарқни аниқ кўради. Шу орқали муаммоларга ҳақиқий, амалий ечимлар топилади.

Энг муҳими, депутатлик назорати инсонлар ҳаётига бевосита таъсир қилади. Йўллар таъмирланиши, мактаб ва шифохоналардаги шароит яхшиланиши, аҳоли мурожаатларининг ҳал этилиши — буларнинг барчаси самарали назорат натижасидир. Агар назорат кучли бўлса, масъулият ҳам ортади, тартиб-интизом мустаҳкамланади.

Шунинг учун депутатлик назоратида жонли ва таъсирчан механизм сифатида қараш лозим. У фақат текшириш эмас, балки тинглаш, тушуниш ва ечим топиш жараёнидир.

Шунингдек, тадбир доирасида ҳудуд ёшлари иштирокида “Депутат ва ёшлар учрашуви” ташкил этилди. Мазкур мулоқот майдонида ёшларнинг тақлиф ва ташаббуслари эшитилиб, уларни қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш ва сиёсий фаоллигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экилиб “Депутатлар боғи” ташкил этилди.

Мазкур ташаббуслар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш ва аҳоли учун қулай яшаш муҳитини шакллантиришга хизмат қилади.

Тадбир якунида партия сафига янги аъзолар қабул қилинди. Бу партиянинг ҳудудлардаги ижтимоий таянчи кенгайиб бораётгани аниқланди.

## КАШҚАДАРЁ: СЕНАТОР ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Қарши шаҳридаги Турон университетига ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан Республика Маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилоят бўлими ҳамкорлигида “Раҳбар ва ёшлар” учрашуви ташкил этилди. Унда партия фаоллари, депутатлар, устоз-мураббийлар ва ёшлар, ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Учрашувда Олий Мажлис Сенати аъзоси Комила Каронова ёшлар билан очиқ мулоқотда бўлиб, мамлакатимизда сўнгги йилларда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, замонавий билим эгаллашлари учун шарт-шароит яратиш, бандлигини таъминлашга кўмаклашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида сўз юритди.

Бундай очиқ мулоқотлардан кўзланган мақсад ёшлар билан самимий суҳбатлашиш, айниқса, уларнинг ички дунёсига назар солиш, қизиқишларини ўрганиш, таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларини ҳал қилиш орқали ёшларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

## АНДИЖОН: ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИДАГИ МУАММО БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Халқ депутатлари Андижон туман Кенгашидаги депутатимиз Б.Йўлчиева “Султонобод” маҳалласи фаолларидан мурожаат келиб тушди. Унда Само кўчасида электр таъминотида узилишлар борлиги билдирилган.

Депутатимиз масалани жойига чиқиб ўрганди. Ўрганиш давомида ҳудудда электр энергияси тез-тез узилиши ҳамда кучланиш пастлиги аҳолига ноқулайлик туғдираётгани аниқланди. Электр таъминотини барқарорлаштириш ва сифатини ошириш бўйича амалий чоралар кўриш юзасидан масъуллар билан боғланилди.

Натижада депутат ташаббуси билан муаммо электр тармоқлари бўлими масъуллари томонидан ўрганилиб, ўз вақтида бартараф этилди.



## ЎЗБЕКИСТОН - ДУНЁ НИГОҲИДА

## “БИБИШИРИН”ДА БЕТАКРОР БАЙРАМ

**Бойсун – мамлакатимизнинг қадимий ва навқирон маконларидан бири ҳисобланади. Дунё тан олган “Тешиктош”, “Мачай”, “Сулувқамар”, “Дўконхона”, “Искандархон” каби манзиллар шу ҳудудда жойлашган бўлса, “Пойтўғон”, “Қозимуллатепа”, “Сарибандтепа”, “Ялангўштепа”, “Дарбанд”, “Мунчоқтепа” ва бошқа қалъа ҳамда шаҳарлар ҳамон курраи-заминнинг тарихчи-ю археологларини қизиқтириб келмоқда. Мутахассислар ва олимларнинг ҳайратини ошираётгани ҳақиқат.**

Тамаддун бешиги ва тилсимотлар маскани 2008 йилда ЮНЕСКО томонидан “Инсониятнинг номоддий маданий мерос” репрезентатив рўйхатига киритилган. Денгиз сатҳидан 1 минг 200 метр баланда жойлашган маконда 130 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. “Авлод”, “Дарбанд”, “Мачай”, “Работ”, “Сайроб”, “Қўрғонча” каби қирққа яқин маҳалла ҳамда қишлоқлар бор.

– Халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилаш ва қулай шароитлар яратиш мақсадида ҳудудда тарихий ислоҳотлар амалга оширилмоқда, – дейди Ўзбекистон ХДП Бойсун туман кенгаши раиси Зоҳидаҳон Ўзбекова. – Янгиланиш ва ўзгаришларни ҳар қадамда кўриш мумкин. Сўнгги ўн йилда кўплаб завод-фабрика ва қўшма корхоналар ташкил қилинган ҳам бунинг ёрқин ифодасидир. Бундай оламшумул ўзгаришлар манзил қиёфасини ўзгартирмоқда. Жаҳон майдонида ўз ўрнини топишида мустақам замин яратаяётгани табиий. Бунга 2002 йилдан буён ўтказиб келинаётган “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали мисолида ҳам яққол гувоҳ бўлаёلمиз.

Жорий йилги байрам иштирокчилари миллий урф-одатларга уйғун ҳолда кўтиб олингандан кейин Термиз шаҳрида халқаро конференция ташкил қилинди. Унда этнограф олимлар ва мутахассислар гуруҳларга бўлинган ҳолда иш олиб боришди. Жараёнлар дунёнинг қатор мамлакатига тўғридан-тўғри намойиш этилди.

Асосий тадбирлар эса Бойсун туманидаги “Бибиширин” маҳалласи кенгликларида тантана қилинди. Янгиланиш ва яшариш айёмида жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатидан 100 дан зиёд фольклор-этнографик ансамбллар, ўзига хос гуруҳ ҳамда ажойиб бадиий дасталар келгани қувонарли.

Яшилликка бурканган майдондаги шодиёнарда дўмирлар ноласи оламни тўлгандек бўлди. Чанқовуз садолари меҳмон-у мезбонларга ҳуш кайфият бахш этди. Карнай-сурнай наволари бетакрорлиги билан ажралиб турди. Ажойиб куй ва дилтортар наволар дилларга қувонч улашган бўлса, ўзига хос лапар ҳамда ўзгача алёрлар кўпчиликини



даврага чорлади. Касаначилик ва ҳунармандчилик маҳсулотлари намойиши сайёҳларни мафтун этгани ҳақиқат. Муқаддас қадамжо ва диққатга сазовор жойларга уюштирилган саёҳатлар қатнашчиларга баҳорий кайфият бахш этди. Спорт ўйинлари дейсизми, кўпқари-улоқ мусобақаларими, хуллас, барча кўнгилочар дастурлар кексаю ёшда унутилмас таассурот қолдиргани табиий. Буни жаҳоннинг турли минтақаларидан келган иштирокчилар ҳам алоҳида эътироф этди.

– Сурхондарё – инсоният тамаддунида ўзига хос ўрин тутган замин эканлигини яхши биламан, – дейди афғонистонлик Нажибулло Айюбий жаноблари. – Шунинг учун ҳам икки дарё оралиғида жойлашган гўшага тез-тез келаман. Ўтган ҳафта тижорат мақсадида ташриф буюрган бўлсам, энди халқаро анжуманда иштирок этаёман. Бундан албатта, хурсандман.

Маълумки, Бойсун ўтмиши улғу маконлардан бири ҳисобланади. Бу ердан ўрта полеолит даврига мансуб манзиллар топилган бўлса, улкан чўққиларда динозаврларнинг тошда қотган изларига дуч келинган. Шимоли-ғарбдаги Тешиктош форидан қазиб олинган боланинг бош суяги дунёда “Неандерталь одам” номи билан машҳур. Айритомда ўрта тош даврига оид осори-атиқалар, Мачай ғорида хилма-хил тош қуроллар қазиб олинган. Бир сўз билан айтганда эса ўтмиши улғу заминда чорвачилик, деҳқончилик, боғдорчилик, ҳунармандчилик, қулоччилик билан бир қаторда илму-урфон, санъат, маданият ва маърифат кенг тараққий этганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатга тўхталмоқчиман: мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, савдо, sanoat, машинасозлик, сайёҳлик, кимё-технология, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик йил сайин юксак босқичга кўтарилмоқда. Алоқалар ҳар жиҳатдан мустақамланаётгани таҳсинга сазовор. Дўстлик, бирдамлик

ва биродарлигимиз бардавом бўлишига тилакдошман.

– Дунёнинг 20 дан ортиқ давлатида бўлганман, – давом этади италиялик тадқиқотчи Камила Кенки хоним. – Самарқанд замин сайқали ҳисобланса, Тошкент мозий бешиқларидан биридир. Ўтмиши улғу Сурхон диёри эса турфа аънава ва ажойиб урф-одатлари билан ном қозонганига гувоҳ бўлдим. Маҳаллий халқнинг очикқўнгиллиги, самимийлиги ва меҳмондўстлиги яхши таассурот қолдирди.

Халқаро анжуман баҳонасида касаначилик маҳсулотлари намойиши билан яқиндан танишдим. Бежирим либос, ноёб буюм ва ғаройиб зебу зийнатлар кўпчиликка манзур бўлди. Мато кийимларидан тикилган 33 метрли маҳобатли кўрок кўрпа (эни 5 метрдан ортиқ) ҳамда куш суяғидан тайёрланган най (қадимий мусика асбоби) меҳмон-у мезбонларни бирдек ошўфта қилгани табиий. Туризм марказининг ажойиб қиёфаси, ансамблларнинг ўзига хос чиқишлари, улкан ҳаво шарлари намойиши, самода чарх урган варраклар, ҳудудларга хос ўтовлар, аёллар ёпинадиган кўрта (либос), эркакларнинг поппўкли дўпписи, қўзларни қувнатгучи мушакбозлик ва бошқа мафтункор мўждаларни кўп йиллар унутолмасам керак...

Миллий таомларни таърифлашга эса тил ожиз. Тандир қабоб дейсизми, чўда пиширилган балиқчи ёки турфа кўринишдаги баҳорий неъматларми, ҳамма-ҳаммаси тотли ва ширин экан. Жаҳон нигоҳидаги табаррук ва мафтункор диёрга яна келишга ҳаракат қиламан...

Бир ҳафта давом этган “Бойсун баҳори” ниҳоясига етди. Йигирмага яқин йўналишларда ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, қимматбахо ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Рағбатлантирувчи мукофотлар тантанали тақдим қилинди. Ана шундай шуқуҳли шодиёна ва ажойиб айёмларимиз янада кўпайсин.

## СПОРТ

ФУТБОЛ:  
ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ  
ЙЎЛЛАМАСИ ҚЎЛГА  
КИРИТИЛДИ

Саудия Арабистонида футбол бўйича U17 ёш тоифасида Осиё кубогининг иккинчи тур учрашувлари ўз якунига етди. “D” гуруҳида



Ўзбекистон U17 терма жамоаси Ҳиндистон термасини 3:0 ҳисобида мағлуб этиб, футболчиларимиз 3 очкога эга бўлди ва чорак финал ҳамда жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди.

“С” гуруҳида Вьетнам 1:4 ҳисобида Жанубий Кореяга имкониятни бой бериб қўйган бўлса, БАА – Яман тўқнашуви 2:3 ҳисобида яқунланди. Ушбу натижаларга кўра, Жанубий Корея термаси 4 очко билан пешқадамга айланди. Вьетнам ва Яман 3 очко билан 2-3-ўринларда қолди.

“А” гуруҳида Саудия Арабистони 2:0 ҳисобида Таиландни мағлуб этиб, очколарини 6 тага етказган ҳолда пешқадам бўлиб олди. Мьянма ва Тожикистон баҳси 0:1 ҳисобида яқунланди.

“В” гуруҳида эса Хитой Японияга 1:2 ҳисобида енгилди. Қатар эса Индонезия термаси устидан 2:0 ҳисобида ғолиб бўлди. Натижалар якунига кўра, Япония 6 очко тўплаб гуруҳ пешқадами сифатида плей-офф босқичи ҳамда жаҳон чемпионати йўлланмани ҳал этди.

“ОСИЁ КУБОГИ - 2027”:

ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА  
ЖАМОАСИ “В” ГУРУҲИДАН  
ЖОЙ ОЛДИ

Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрида “Осиё кубоги – 2027” турнирига кўра ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унда Япония терма жамоаси собиқ юлдузи Хидеатоши Накага, Саудия Арабистони терма жамоаси сардори Салим Ал-Довсари, Иордания терма жамоаси бош мураббийи Жамол Селлами ва аёллар ўртасида Осиё кубоги ҳақами Жанубий Кореялик Ким Ю-Жэонг вевосита иштирок этди.

Кўра натижасига кўра, Ўзбекистон терма жамоаси “В” гуруҳида Баҳрайн, КХДР ҳамда Иордания термалари билан баҳс олиб борадиган бўлди.

Маълумот учун, Осиё кубоги турнири 2027 йилнинг 7 январидан 5 февралга қадар Саудия Арабистонининг Риёд, Жидда ва Даммам шаҳарларида бўлиб ўтади.

БОКС:

БАҲОДИР ЖАЛОЛОВ  
РАҚИБИНИ МУДДАТИДАН  
ОЛДИН МАҒЛУБ ЭТДИ

Англиянинг Манчестер шаҳридаги “Co Op Live Arena” мажмуасида ташкил этилган профессионал бокс



оқшомида икки ҳамюртимиз Баҳодир Жалолов ва Жаҳоир Умматалиев рингга кўтарилди. Супер оғир вазн тоифасида Баҳодир Жалолов навбатдаги жангини хорватиялик Агрон Смакичига қарши ўтказди.

10 раунд этиб белгиланган мазкур беллашува Смакичи саккизинчи раунд аввалида жангни давом эттиришдан бош тортиди. Натижада эса Баҳодир техник нокаут орқали ғалаба қозонди.

Шунингдек, хаваскор боксчимиз амалдаги жаҳон чемпиони Жаҳоир Умматалиев Польша вакили Дамян Драбикка қарши рингга кўтарилди. Ярим оғир вазн тоифасидаги 6 раунд этиб белгиланган ушбу жангда Жаҳоир Умматалиев иккинчи раундда рақибини нокаутга учратди ва ғолиб бўлди.

Интернет материаллари асосида  
Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ  
тайёрлади.

## ДЕПУТАТ ТАШАБУСИ

**Мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда фаол иштирок этиш ҳар бири сиёсий партия аъзосидан ташаббускор бўлишни талаб қилади. Бу электорат вакилларини қийнаётган масалаларни ўрганиш ва баргараф этишда муҳим аҳамият касб этиши табиий.**

Ана шундай тарихий ривожланиш ва оламшумул янгиланишларда Ўзбекистон ХДП Термиз туман кенгаши ҳамда депутатлик гуруҳи муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Сафдошларимизнинг ташаббуси билан муаммолар ечим топиб, халқимизнинг турмуш фаровонлиги яхшиланапти. Партияимизга бўлган ишонч ошаётгани эса янада қувонарли.

– Ҳудудда икки мингдан ортиқ корхона, ташкилот ва муассаса бор, – дейди Ўзбекистон ХДП Термиз туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзоси Гулшод Шафоатова. – Унлаб кичик бизнес ва хусусий

СПОРТ МАКТАБИ КЎРКАМ  
ҚИЁФА КАСЪ ЭТДИ

тадбиркорлик соҳалари фаолият кўрсатмоқда. Спорт мактаби ҳам ана шундай даргоҳлардан бири ҳисобланади. Мустақиллик йилларида ташкил топган масканда 1 минг 162 нафар ёшлар 15 та йўналиш бўйича таълим-тарбия олмақда. Миллат келажаги ва юрт таянчи бўлган давомчиларимизнинг ҳар жиҳатдан етук инсонлар бўлиб вояга етишларида қирқ нафарга яқин устоз-мураббийлар камарбаста.

Бир сўз билан айтганда, истиклол дилбандлари доимий эътиборда. Алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда ворисларимизга.

Аммо ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор экан. Камчиликлар учрайди. Муассасанинг айрим ҳудудлари кўримсиз ва таъмирталаб бўлиб қолгани ана шундай нуқсонлардан биридир. Ёш спортчилар ҳамда устозларни қийнаб келаётган масала атрофлича ўрганилгандан кейин

туман ҳокимлигига депутатлик сўрови жўнатгандим. Шундан кейин иқтисодий ва молия бўлими томонидан 30 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ташаббуснинг қаноти бор, дейдилар. Янгилликка интилувчан депутатимизнинг саъй-ҳаракати билан Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилида даргоҳда кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мактабнинг кириш қисми, кенг ҳовли ва тегишли йўлақларга махсус йўлақтош ётқизилганидан кўпчилик мамнун. Кўнгилларга хотиржамлик, эртанги кунга умид уйғонаётгани табиий. Замон билан ҳамнафас ва ҳамқадам одимлаётган ана шундай сафдошларимиз сафи кенгайверсин.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,  
“Ўзбекистон овози”  
муҳбири.

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН  
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК  
ПАРТИЯСИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

O'zbekiston Ovozi

ТАҲРИР НАҲҲАТИ:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihiiddin MUHIDDINOV

Olim RAVSHANOV

Toشتهмир XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida

0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 537. 4005 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 01:30

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.